Biznes-Эксперт

№ 11-12, 2020

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МОЛИЯ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

Рақамли иқтисоднёт шароитида инсон капиталини ривожлантириш йўналишлари 28

В этом номере:

Основные направления привлечения инвестиций и повышения прозрачности финансового рынка 57

ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

ДИҚҚАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августда тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик академик нашрлар электрон тизими ҳисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

Кластер

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА. Мева ва сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг аҳамияти 3

Мулоҳаза

Баҳодир ХУСАНОВ. Пенсия жамғармасини босқичма-босқич такомиллаштириш муаммолари: тикланиши ва ривожланиши 6

Тараққиёт

Улуғбек ЗИЯДУЛЛАЕВ. Янги Ўзбекистонда барқарор ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегиясининг истиқболли йўналишлари 10

Олий таълим

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ, Ҳамза РЎЗИЕВ, Нигина ОДИНАЕВА. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалалари 16

Агросаноат

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА. Ўзбекистонда агросаноат кластерларининг шаклланиши ва жадал ривожлантириш йўллари 20

Рақобатбардошлик

Саида ЮЛДАШЕВА. Озиқ-овқат саноати корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиялари 24

Инсон капитали

Мираббос ХАМРОКУЛОВ. Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантириш йўналишлари 28

Туризм

Ойбек Жулибой ўғли. Туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлашнинг муғим жиҳатлари 31

Таҳлил

Каржаубай НУРМАНОВ. Қишлоқ хўжалик корхоналарида даромадлар ва харажатларнинг стратегик бошқарув таҳлилини ташкил этиш 34

Маркетинг

Шерзод МАРДОНОВ. Пахта тозалаш корхонаси маркетинг стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари 37

Нигоҳ

Музаффаржон АКБАРОВ. Тўқимачилик корхоналарида маркетинг натижадорлигини бошқаришнинг хусусиятлар 41

Самарадорлик

Феруза АЗИМОВА. Тўқимачилик корхоналарида балансланштирилган кўрсаткичлар тизимини қўллаш орқали фаолият самарадорлигини бошқариш 45

Кичик бизнес

Анвар ХУШВАҚОВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари 48

Агробизнес

Омадой АБДУРАШИДОВА. Агробизнес корхоналари фаолиятини ривожлантириш масалалари 51

Стратегия

Ҳумоюн ЭГАМБЕРДИЕВ. Ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари ва қишлоқ хўжалиги соҳалари ҳолати 54

Содержание

Финансовый рынок

Хадича КАДИРОВА. Основные направления привлечения инвестиций и повышения прозрачности финансового рынка 57

Экономика туризма

Дилбар АСЛАНОВА, Алишер НАСИМОВ. Методические основы идентификации туристских кластеров на примере Самаркандской области 60

Рынок труда

Фотимабону ДОНИЁРОВА. Стратегии поведения молодежи на современном рынке труда Узбекистана 70

Профессиональное образование

Шахзод МАКСУДОВ. Кластерно-интегрированное инновационное развитие профессионального образования Узбекистана с элементами дуального обучения 74

Analysis

Binoy Joy Kattadiyil, Bakhtiyor ISLAMOV. Insolvency and bancruptcy code (IBC) and private equity 77

Tourism potential

Aziza USMANOVA. Issues of increasing the efficiency of tourism potential in the region 82

Public-private partnership

Shakhzod MAKSUDOV. Ensuring the economically stable development of Uzbekistan by improving professional educational institutions on the basis of public-private partnership 85

Biznes-Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ
ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.
Georgian international University президенти (АҚШ)
Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMEYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)
доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)
доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)
доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ
ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
доктор экономических наук, профессор (Россия)

Игорь БУТИКОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ
иқтисодиёт фанлари доктори,
доктор экономических наук

Адҳам БЕКМУРОДОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Муҳиддин ПЎЛАТОВ
иқтисодиёт фанлари доктори
доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

УЎТ: 339.138

Мева ва сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг аҳамияти
Важность образования фруктовых и овощных кластеров
The importance of formation of fruit and vegetable clusters

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА,
Фарғона давлат университети и.ф.н., доцент.

Аннотация

Мақолада кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари фаолиятининг самарали йўлга қўйилиши, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштиришда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида фикр юритилади.

В статье рассматривается эффективная реализация деятельности сельскохозяйственных объединений, созданных для обеспечения занятости малообеспеченных семей, эффективное использование государственных земель при выращивании фруктов, овощей и винограда.

The article discusses the effective implementation of the activities of agricultural associations created to ensure employment of low-income families, the effective use of state land in the cultivation of fruits, vegetables and grapes.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Шунингдек, Президентнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам аниқ йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

2025 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 100 млрд. доллар, йиллик экспортни 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткичларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жуда катта захира ва имкониятлар мавжуд.

Мева-сабзавот экспортини тизимли ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан экспортёр ўртасида ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида мева-сабзавотчилик ва узумчиликда ҳам кластер тизими жорий қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 декабрдаги қарори билан бу борадаги барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди.

Аввало, тизимдаги шартномавий муносабатларни тўғри шакллантириш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспортчининг манфаати, мажбурияти ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида такидланганидек, “Бешинчидан, республикамиз бўйича 445 минг гектар энг унумдор ер аҳолига томорқа сифатида берилган. Лекин томорқадан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Бу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизими йўқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Соҳада назоратни таъминлаш, томорқа эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қатор ваколатлар берилди”.

Калит сўзлар: мева-сабзавотчилик кластери, томорқа, интенсив боғ, фермер хўжалиги, бандликни таъминлаш, экспорт, маҳсулот етиштирувчилар.

Пахта ва ғалладан бўшаган камҳосил майдонларда интенсив боғ ва токзорлар барпо этилади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан белгиланишича, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очиқ ер майдонлари, ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ҳамда ғалладан бўшаган майдонлар, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ерларда интенсив боғлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида, шу жумладан, тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари орқали бериш, кейинчалик улар негизида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерлари тузиш ишларини ташкил қилади. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг маблағлари кенг жалб қилинишини, халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини таъминлайди. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлардаги боғ ва токзорлар тўлиқ хатловдан ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"га қарори имзоланди. Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туманнинг барчасидаги мавжуд боғ ва токзорларни тўлиқ хатловдан ўтказади. Хатлов натижаларига кўра, самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш юзасидан ҳар бир туман кесимида манзилли рўйхатлар шакллантирилади ва тасдиқланади, бунда 2020 йил давомида яроқсиз боғ ҳамда токзорларни, 2021-2025 йилларда эса кам ҳосилли, эскирган ҳамда самарасиз боғларни янгилаш назарда тутилади. Янги боғ ва токзорларни барпо этишда улар олдиндан аниқ мева-сабзавот кластерига ёки қишлоқ хўжалиги бирлашмасига бириктирилди.

Гилос боғини яратиш бўйича ҳисоб-китобларимиз қуйидагилардан иборат: "Воловой-2,3" гилос навли кўчатидан 2018 йилда ҳам бир гектарига туп кўчат ҳисобида 100 гектарига = 32000 п кўчат х 5000 сўм дан=160 000 000 сўмга кўчати сотиб олинади. Кўчат экиш гилос боғи яратиш учун кўчатлар 5х6 схемада экилади. Бу дегани кўчатлар ораси 5м, қаторлар ораси 6 м. Шундай усулда экилганда, бир га ерда ҳар бир қаторида 20 туп кўчати бўлган, 16 та қатор бўлади. 100 га ерда эса 100 х 16 = 1600 та қатор бор, ҳар бир қаторда 20 туп, Х 16 =3200 туп кўчат бор. Агар бир одам сув қуйиб, иккинчиси кўчат ўтказса, бир иш кунида-эрталаб соат 8 дан кеч соат 5 гача 16 қаторга кўчат экса, 1600 қаторни 20 нафар одам, яъни ҳар 5 га ерга беркитилган сувчи боғбонлар ўзларининг белгиланган ерига кўчат экадилар, уларнинг ҳар бири бир кунда 16 қаторга 298 кўчат эксалар 20 нафар одам бир кунда 320 қаторга кўчат экадилар.

Кўчатларни парвариш қилиш учун 5 га ерга бир нафар сувчи–боғбон керак бўлади. Бу одам кўчатларни парвариш қилади, озиқлантиради. Унга ойлик маош 800 000 сўм тўланади. У ҳолда 100 га ерга 20 нафар сувчи боғбон беркитилади. Сувчи боғбонга ўртача ҳар ойига 800 000 сўм ойлик маош берилади. У ҳолда 20 нафар сувчи боғбонга 20 х 800 000 =16 000 000 сўм маош тўланади.

Кўчат экиш гилос боғи яратиш учун кўчатлар 5х6 схемада экилади. Бу дегани кўчатлар ораси 5 м, қаторлар ораси 6 м. Шундай усулда экилганда, бир га ерда ҳар бир қаторида 20 туп кўчати бўлган, 16 та қатор бўлади. 100 га ерда эса 100 х 16 = 1600 та қатор бор, ҳар бир қаторда 20 туп, Х 16 =3200 туп кўчат бор. Агар бир одам сув қуйиб, иккинчиси кўчат ўтказса, бир иш кунида-эрталаб соат 8 дан кеч соат 5 гача 16 қаторга кўчат экса, 1600 қаторни 20 нафар одам, яъни ҳар 5 га ерга беркитилан сувчи боғбонлар ўзларининг белгиланган ерига кўчат экадилар, уларнинг ҳар бири бир кунда 16 қаторга кўчат эксалар 20 нафар одам бир кунда 20 х 16= 320 қатор кўчат экадилар. У ҳолда жами 3200 қатор кўчатни 3200: 320 =10 кунда экиб бўладилар. Трактор билан ер ҳайдаш 1гектари 600 000 сўм х 100 га = 60 000 000 сўм. Мола

қилиш ва эгат олиш 30 000 000 сўм. Кўчат сотиб олишга – 160 000 000 сўм маблағ сарфланади + 16 000 000 сувчи боғбнларга иш ҳақи бир ойлиги бир йиллиги 16 000 000 + 3 йиллиги 48 000 000х = 64 000 000 сўм = 224000 000 + 90 000 000 = 314 000 000 сўм жами харажат бўлади. Гилос боғи яратиш учун жами харажат =314 000 000 сўм бўлади. Гилос боғидан жами даромад. Ушбу гилос боғидан қуйидагича ҳосил ва маблағ – фойда олинади: 2992022 йилга бориб гилослар 4 ёшга тўлади. Шунда бир туп гилосдан ўртача 3 кг 32000 туп х 3 кг = 96000 кг ҳосил олинади. 2016 йил тажрибасига кўра шу жойга яқин ерларда етиштирилган гилоснинг бир кг.нинг нархи 28000 сўм сотилди). У ҳолда бир йиллик даромад 96 000 кг х 28000 = 2 688 000 000 сўм даромад келтиради. 2025 йилда кўчатлар 8 ёшга тўлади. Бу ёшдаги гилос мева дарахти ўртача 30-40 кг ҳосил беради. Демак бизнинг боғимиздаги 32000 туп гилос 32000 х 30 кг = 960 000 кг мева беради. Бир кг гилос меваси 2016 йилда 28000 сўмдан сотилган, у ҳолда 2025 йилда 960 000 х 28000 = 26 880 000 000 сўм даромад беради. Гилослар 2027 йилда 10 ёшдан ошади. У ёшдаги гилослар яхши парвариш қилинса 80-100 кг.га еказиб ҳосил беради. У ҳолда 32000 туп кўчат х 80 кг гилос ҳосили = 2560000 кг х 28000сўм =71 680 000 000 сўм 7 680 000 000 сўм бўлади + 26 000 000 сўм = 98 560 000 000 сўм гилос боғидан умумий даромад бўлади. - 314 000 000 = 98 212 000 000 сўм соф фойда олиш мумкин.

Демак, фақат гилос боғининг ўзи тўқсон саккиз миллиард икки юз ўн икки миллион сўм соф фойда келтиради. Агар гилос дарахтларига юқори агротехника қоидалари бўйича ишлов бериб парвариш қилинса, сув билан таъминлаш тўла кафолатланса, юқорида келтирилган мева ҳосили ва фойда олинишига кафолат берилади.

Гилос боғи яратишдан жами харажат: 314 000 000 сўм. Гилос боғидан умумий даромад 98 560 000 000 сўм - 266 000 000 = соф фойда 98 212 000 000 сўмни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз таъкидлаганларидек, кластерлар фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад – экспорт ҳажмини оширишдан иборат. Бунинг учун эса янги бозорларни топиш лозим. Чунки бозор бўлмаса, экспорт ҳам бўлмайди, кластер тизими ҳам юрмайди. Шунинг учун чет эллардаги талабни мунтазам ўрганиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспортда изчилликни таъминлаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 20 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

4. Шавкат Мирзиёев. Қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини ривожлантириш. Халқ сўзи. 2020 йил, 5 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Тошкент. 2019 йил, 11 декабрь.

УЎТ: 368.4

Пенсия жамғармасини босқичма-босқич такомиллаштириш муаммолари: тикланиши ва ривожланиши
Проблемы постепенного совершенствования пенсионного фонда: восстановление и распределение
Problems of gradual improvement of the pension fund: recovery and development

Баҳодир ХУСАНОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Молия” кафедраси доценти в.б., и.ф.н.

Аннотация

Мақолада халқаро амалиётда пенсия тизимининг вужудга келиши, ижтимоий ҳимоя ва таъминот тизимларининг ривожланиш эволюцияси ўрганилган. Унда Европа мамлакатларида ижтимоий сугурта тизимининг жорий этилиш босқичлари, иқтисодчи олимларнинг назарий ёндашувлари келтирилган.

В данной статье рассматривается эволюция пенсионной системы, а также развитие систем социальной защиты и социального обеспечения в международной практике. Описаны этапы внедрения системы социального страхования в европейских странах и теоретические подходы экономистов.

This article examines the evolution of the pension system into the body, the development of social protection and welfare systems in international practice. It describes the stages of introduction of the social insurance system in European countries, the theoretical approaches of economists.

Мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг узоқ муддатга мўлжалланган ва энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб келган ва ҳозирда ҳам келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “....асосий мақсад камбағал оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаб, уларни муҳтожликдан чиқариш, шунинг учун ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси билан алоҳида шуғулланиш зарур...” [1].

Тарихан бизга маълумки, ижтимоий соҳаларга доир қонунчилик тизимининг шакллантирилиши узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган. Ғарб мамлакатларида ижтимоий сиёсатнинг шаклланиши, ривожланиши ва хусусиятлари қатор омиллар таъсирида содир бўлган бўлса-да, XIX асрнинг 90-йиллари XX асрнинг 20-йиллари охиригача бўлган даврни ижтимоий хизматлар тизими ривожланишининг илк босқичлари бўлди, десак тўғри бўлади.

Босиб ўтилган даврнинг муҳим жиҳати, дастлабки даврларда ўзаро ёрдам билан боғлиқ масалаларни ривожлантириш эҳтиёжларини вужудга келиши билан боғлиқ ҳисобланади. Бу борадаги биринчи қадам Бисмарк бошқарган Германия ҳукумати томонидан XIX аср охирида саноатда ишловчилар учун мажбурий ижтимоий суғурта тизими киритилгани билан изоҳланади.

Жорий этилган ижтимоий суғурта бир нечта кетма-кет амалга оширилган босиқичлардан иборат, яъни, энг аввало, 1883 йилда касаллик бўйича, 1884 йилда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар рўй берган ҳолларда, 1889 йил эса ногиронлик ва

Калит сўзлар: ижтимоий суғурта, ижтимоий ҳимоя, пенсия жамғармаси, пенсия ёши.

қарилик бўйича молиявий хизмат таъминотлари билан эътироф этилди. Бу эса, ўз вақтида, Европанинг бошқа бир қатор давлатларида жиддий ижтимоий талабларнинг кучайишига сабаб бўлди. Натижада кучли ижтимоий талабларга дуч келган Европанинг бошқа мамлакатлар Германия тажрибасини ўрганишга ва қўллашга киришдилар. Аста-секинлик билан 1919 йилдан бошлаб Европа мамлакатларида айниқса, англо-саксон ва скандинавия мамлакатлари қарилик бўйича нафақа, ногиронларга (кўзи ожизларга), меҳнатга яроқсиз деб топилганларга моддий ёрдамни таъминловчи давлат ташкилотларини қўллаб-қувватловчи беғараз пенсия тизими миллий қонунчилигига киритилишига муваффақ бўлишди [5].

Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 1930 йилларгача Европа мамлакатларида қўлланилган мажбурий ижтимоий таъминот тизимининг қамраб олиниш даражаси юқори бўлмади. Айниқса қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли, уйда ишловчилар, уй хизматчиси ва бошқалар эса бундай таъминот доирасидан чиқарилган. Кимнинг иш ҳақи белгиланган минимал даражадан ошмаса, унга мажбурий ёрдам кўрсатилган. Касаллик бўйича суғурта тизими томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам чегараси ва нафақа миқдори ҳам маълум даражада чегараланган.

XX аср бошларида муҳтожликни ҳис қилувчи аҳолига ижтимоий ҳимоя кўрсатиш соҳаси (шакллари) йилдан-йилга ошиб, мамлакатларни ижтимоий ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бирига айланди.

Бошланган жаҳон иқтисодий инқирози (30 йиллар бошида) шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ривожланишида янги давр бўлди. Ушбу шароитда ижтимоий қонунчиликнинг ҳаракат доирасини кенгайтиришга асос солинди. Умуман, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга аралашуви тобора кучайиб борди. Шу тариқа ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотнинг миллий тизими шаклланди, ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришни ривожланишнинг кейинги босқичига ўтилди. Ушбу босқичнинг муҳим хусусияти шундан иборат бўлдики, бунда ҳукмрон доиралар стратегияси ишчилар ҳаракатини ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари ривожланишига имконият яратди.

Шу тариқа Ғарб мамлакатларида ижтимоий суғурта тизимини шакллантириш ва ривожланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини молиялаштириш манбалари шакллантирилди [3].

Ижтимоий ҳимоя ривожланишининг иккинчи босқичида ижтимоий суғурта тизимини дастлабки ҳаракати суғурталанган шахсларнинг ўзлари бадал тўлаш хусусияти билан ажралиб турди. Иш билан банд бўлган фуқароларга агарда тўланадиган нафақалари орқали уларга бериладиган ёрдам эмас, балки уларнинг ҳуқуқлари рўёбга чиқиш шакли билан ажралиб турган бўлса, унда суғурталанувчиларнинг бадаллари эса нафақа олувчининг моддий аҳволини яхшилаш учун олинган маблағлар сифатида қабул қилинди.

Энг муҳими шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йилларда суғурталанувчидан олинадиган мажбурий бадаллар уларнинг келажаклари учун жамғарма қилишга рағбатлантирди. Шунингдек, бир томондан ижтимоий суғурта таркибида индивидуал жамғармалар салмоғининг ошиши кузатилаётган бўлса, иккинчи томондан бадалларни тўлаш суғурталанган шахсларга ижтимоий суғурта дастурини бошқаришдаги активлиги берилган ҳуқуқ доирасида ошди[1]. Сўнгги йилларда иш берувчиларнинг иштирокини ошириш зарурлиги муҳим, деб топилмоқда. Бу эса ишсизлик, касаллик ва ногиронлик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ ҳодисалар қайд этилганда уларни молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун жавобгарлигини оширишни талаб этмоқда. Бу эса ижтимоий суғурта бўйича оғир юкнинг бир қисмини ўз зиммасига олган иш берувчи корхонада юқори меҳнат унимдорлигини, ижтимоий барқарорликни, самарали ижтимоий муносабатни таъминлашга эришиши мумкин бўлади.

Хориж амалиётига таянган ҳолда айтиш жоизки, Ғарб мамлакатларида ижтимоий суғурта ва таъминот тизимидан ташқари нафақалар тизими ҳам амал қилади ва у тўланадиган бадалларга боғлиқ бўлмайди. Бундай ўхшаш тизимлар жамиятида ижтимоий муҳтожларга нафақа ва пенсиялар кўринишида ёрдам бериши гуманистик ғояга асосланади [2].

У. Беверидж оилавий нафақалар ва миллий соғлиқни сақлаш хизматини молиялаштириш давлат

[1] Мисол учун бадал тўлаш бўйича мажбурият иш берувчига ижтимоий суғурта дастурларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бир вақтнинг ўзида берилишини назарда тутилишидир.

ҳисобидан таъминланиши, бошқа ижтимоий нафақалар манбаи бўлиб, суғурталанувчи ва тадбиркорларнинг ажратмалари, давлат субсидиялари хизмат қилиши лозим, деган ва ижтимоий ҳимоялашни қўшалоқ усулини тавсия қилган эди [4].

Эҳтимол, айнан шу сабаблар Буюк Британияни 1825 йилда жамғармалар бюджетида катта миқдордаги етишмовчилик ва тақчиллик бўлган ҳолларни олдини олиш мақсадида давлат субсидиялари ҳисобига қопланадиган умумий пенсия суғуртасини жорий қилишга мажбур қилган эди [7].

Барча мамлакатларда 1980 йиллардан бошлаб пенсия таъминоти амал қилишининг илмий ва ижтимоий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эга бўла бошлади [4]. Ушбу муаммонинг долзарблиги туғилишнинг камайиши ва ўртача яшаш ёши ортиши, кексайиш билан белгиланади. Демографик прогнозларга кўра, ривожланган мамлакатларда яқин истиқболдаги эллик йиллик мобайнида аҳоли кексайишининг кучайиб бориши жаҳон тараққиётида қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлади.

1953-1957 йилларда Германия канцлери Конрад Аденауэр жиддий пенсия ислоҳотларини амалга оширди. "Темир канцлер" номини олган О.Бисмарк пенсия тизимини Европача нусхасини жорий этишга муваффақ бўлди. Отто фан Бисмарк 70 ёшдан бошлаб мажбурий қарилик пенсиясини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилган вақтда Германияда ўртача умр бор йўғи 45 ёшни ташкил қилар эди. 70 ёшдан ошган одамлар тахминан 2 фоиз эди [3]. Ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг умумий яхшиланиши натижасида ўртача умр узайди ва ўтган асрнинг эллигинчи йиллари ўрталарида пенсия ёши 65 ёшгача тушди. 1953-1957 йиллардаги ислоҳот натижасида мавжуд мажбурий давлат суғуртасига корпоратив ва хусусий суғурта қўшилди. Пенсия тизими эса 1998 йилгача ўзгармади.

Бугунги кунда иш стажига ва касб бўйича тариф сеткасига қараб пенсия тўланади. Бундай пенсия тизими анъанавий тарзда ташкил этилган. Ҳозирда ишлаётган аҳоли томонидан пенсия жамғармасига ўтказилаётган ажратмалар ёрдамида пенсионерларга пенсия тўланиб келинмоқда, яъни жамғармага ўтказиб келинаётган пенсия тўловлари бевосита молиявий таъминот манбаи бўлиб келмоқда.

Бундай тартиб авлодлар ўртасидаги бирдамлик шартномасини англатади ва қайта тақсимлаш тамойили асосида тўловлар амалга оширилади. Ушбу ҳолатда пуллар жамғариб борилмайди, балки, шу заҳотиёқ кундалик тўловларни амалга ошириш учун ишлатилишини таъминлайди. Айтиш жоизки, бундай тизим амал қилиши учун тўпланган маблағлар бир ойлик тўловни таъминлашга етарли ва ундан ҳам ортиқ бўлиши лозим.

Хусусий суғурталашнинг шуҳрати Германияда тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Германияда барча ижтимоий гуруҳлар, ҳатто ишсизлар ҳам унда қатнашмоқда. Бунинг сабаби немисларнинг банкларга ишониши ва уларни ҳукуматнинг ижтимоий дастурларига қарам бўлмаслигидир. Пул ўтказиш миқдори фақат тўловчининг ўзига боғлиқ бўлиб, пенсия суғурта шартномаси бевосита банк билан тузилади. Тўловлар пенсия ёшига етган кундан бошлаб, умрининг охиригача тўлаб борилиши ҳам шартномада белгилаб қўйиладиган давр мобайнида амалга оширилиши ҳамда тўловларнинг бир қисмини фуқаро оила аъзоларига васият қилиб қолдириши ҳам мумкин. Энг муҳими хусусий суғуртада ҳамма тўланган пуллар фоизи билан қайтариб берилади. Мазкур суғурта бўйича меҳнат фаолияти мобайнидаги ажратмалар миқдори ҳозирги кунда пенсия ёшидаги кексаларнинг камчиликсиз яшашини таъминлайди [2].

Ҳозирда Германияда биз учун муҳим бўлган яна бир суғурта тури бўлиб, у фонд суғуртаси, деб эътироф этилган. Бунда суғурта қилдирувчи тўлаган маблағлар максимал даражада фойда олиш учун фондларга ёки акцияларга инвестицияланади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бериб, иқтисодиёт барқарор суръатларда ривожлана борган сари пенсия тўловларини тартибли тақсимот механизми ҳам босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Ушбу тизим орқали аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларига бюджет маблағлари ҳисобидан пенсия тўлашни янги босқичига олиб чиқмоқда.

Бу соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишда, хусусан, пенсия ёшига етганда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган ҳолда хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, самарали ташкил этилган пенсия тизими ривожланган мамлакатларда аҳолини ижтимоий таъминоти масалалари борасидаги муаммоаларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этган. Республикамизда ҳам пенсия таъминотини яхшилаш ва уни барқа-

рорлигини таъминлаш аҳолини ижтимоий таъминотини оширишга олиб келмоқда. Мисол учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2016 йил охири ва 2017 йил бошларида кўрилган чоралар ёрдамида пенсия фондининг молиявий ҳолатини барқарорлаштиришга эришилди. Натижада ҳозирда фаолият кўрсатиб келаётган пенсия ёшидаги аҳоли қатлами 2019 йилнинг 1 январидан иш ҳақи билан бирга юз фоиз пенсияни олиш имкониятига эга бўлдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2020 йил 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишдаги маърузаси.

2. Ҳасанов Г. Пенсия жамғармаси соҳасидаги жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари // Иқтисодиёт ва таълим. 2011 й. 7-сон. 6-9-б.

3. Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы // Вестник МИЭП. 2015. № 3 (20). С. 58-73

4. Василёнок В.Л., Мельников К.С. Зарубежный опыт пенсионного обеспечения и реформирование пенсионной системы РФ // Экономика и экологический менеджмент. 2015. № 2. С. 116-125.

5. Прудь П.В. Управление пенсионной системой: зарубежный опыт// Современные технологии управления. 2014-10-08. №10 (46). Режим доступа: https://sovman.ru/article/4608/

6. Аллаёров Ш., Мирзамахмудов М. Пенсия жамғармаси фаолиятини жаҳон амалиётидаги тараққиёт босқичлари // Молия. 2012 . №4 сон.

7. Турабоев Ф. Бозор иқтисодиёти шароитида пенсия тизими ислоҳотининг заруриятлари // "Иқтисод ва молия". 2010 й. №10. 73-79-б.

УЎТ: 332.339.727

Янги Ўзбекистонда барқарор ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегиясининг истиқболли йўналишлари

Новый Узбекистан: перспективные направления стратегии устойчивого развития и обеспечения экономической безопасности

New Uzbekistan: perspective directions of the strategy for sustainable development and ensuring economic security

Улуғбек ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Россия Фанлар академияси
Бозор муаммолари институтининг докторанти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада стратегик режалаштириш методологиясига ва миллий манфаатларни ҳимоя қилиш механизмларига таяниб, 2017-2020 йилларда молиявий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларини умумлаштириб иқтисодий хавфсизликни баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблашга қаратилган бўлиб, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгиланган. Шунингдек, ишлаб чиқилган методлар асосида молиявий-иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамланма) индекси билан бирга тажрибавий ҳисоб-китоблар ҳамда Ўзбекистон ва Россия учун миллий иқтисодий хавфсизликни баҳолаш кўрсаткичларининг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

В данной статье, опираясь на методологию стратегического планирования и механизмы защиты национальных интересов, рассмотрены результаты финансово-экономических реформ в 2017-2020 гг., выполнены расчеты индикаторов оценки экономической безопасности и намечены перспективные направления развития страны. На основе разработанной методики были произведены экспериментальные расчеты совместно со сводным индексом финансово-экономической безопасности, а также проведена оценка национальной экономической безопасности для Узбекистана и России.

In this article, based on the methodology of strategic planning and mechanisms for protecting national interests, the results of financial and economic reforms in 2017-2020 are considered, indicators for assessing economic security are calculated and promising directions for the country's development are outlined. On the basis of the developed methodology, experimental calculations were made together with the composite index of financial and economic security, as well as an assessment of the national economic security for Uzbekistan and Russia.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги, иқтисодий хавфсизлиги, ташқи қарзининг хавфсиз даражада бўлиши унинг миллий хавфсизлигини таъминловчи энг асосий омиллардан бўлиб хизмат қилмоқда. Охирги йилларда жаҳонда ва минтақамиздаги айрим давлатларнинг ташқи қарз билан боғлиқ масалалари миллий хавфсизликка тааллуқли жиддий салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда. Жадал ижтимоий-иқтисодий транс-

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, стратегия, барқарор ривожлантириш, иқтисодий хавфсизлик, истиқболли йўналишлар.

формацион жараёнларни бошидан ўтказаётган давлатлар учун ташқи дунё билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасида очиқ иқтисодий сиёсат юритиши миллий иқтисодиётларни маълум хавф ва хатарлардан ҳимоя қила оладиган ҳамкор давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро молиявий-иқтисодий алоқаларнинг самарасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади ҳамда ўта долзарб муаммо деб ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиёти учун асосий хавф бу жаҳон иқтисодиётининг нотинчлиги ва беқарорлигидир. Мамлакат ичида иқтисодий хавфсизлик рискларини тартибга солишдаги камчиликлар, банк секторининг самарасизлиги, қатор соҳалардаги корхоналарнинг рақобатбардошлигининг пастлиги ва қарз мажбуриятлари ҳажмининг ўсиб бораётганлиги. Хусусан, "... капитал, ресурс базаси ва рентабелликни ошириш, шунингдек, банк секторидаги давлат активларини стратегик инвесторларга сотиш асосида иқтисодий хавфсизликка, хорижий кредитлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш зарур"[1]. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон ва минтақавий капитал бозорларига интеграциялашувида молиявий ва иқтисодий хавфсизлик мавзусини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига қаратилган таҳлилнинг зарурлигини асослаб беради.

Адабиётлар шарҳи

Миллий иқтисодий хавфсизликнинг назарий ва концептуал муаммоларини ривожланаётган мамлакатларга нисбатан қўллаш масалалари Дж.А. Хансон, Дж. Маджнони, В. Квинт, Ж. Стиглиц, Ж Айзенман, М. Чинн, Х. Ито, Б. Эйченгрин, М. Джианеттш, Ч. Ху каби хорижий олимларнинг илмий асарларида ўрганилган. МДҲ давлатларидан Л.И. Абалкин, О.Т. Богомолов, Н.Я. Петраков, С.Ю. Глазьев, А.Д. Некипелов, В.М. Полтерович, Р.С. Гринберг, В.А.Цветков, шунингдек С.П. Глинкина, М.Ю. Головнин, А.Е. Городецкий, В.К. Сенчагов, А.Н., А.С. Тулупов каби олимлар собиқ иттифоқ давлатларининг жаҳон капитал бозорига кириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-методологик жиҳатларини ўрганишган. Ўзбекистонда миллий хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ масалалар илмий-амалий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ)да ўрганилади. Диссертация мавзусига доир масалалар бўйича Қ.Х. Абдурахманов, Х.П. Абулкасимов, С.С. Гулямов, А.А. Исаджанов, А.Т. Исахужаев, Б.А. Исламов, И.Р. Мавланов, Т.С. Расулов, Н. Сиражиддинов, Н.Т. Талипова, Ш.О. Шарифходжаев каби иқтисодчи олимларининг асарлари катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистондаги илмий асарларда, бошқа собиқ иттифоқ мамлакатлари сингари интеграция жараёнига нисбатан иқтисодий хавфсизлик муаммоларини айрим жиҳатлари (геоиқтисодиёт, озиқ-овқат, ташқи савдо, экология) таҳлил қилинган, лекин мустақил тадқиқот объекти ёки предмети сифатида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш истиқболларини стратегиялаш ва молиявий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалалари деярли ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишини бажариш жараёнида мавзуга доир концептуал ёндашувларни илмий тадқиқ қилиш, умумлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, танланма адабиётлар таҳлили, ретроспектив, стратегик бошқарув, эконометрик моделлаштириш, гуруҳлаш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган. Хусусан, молиявий-иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамлама) индексни ҳисоблаш ва экспериментал жорий этиш ҳамда Ўзбекистон ва Россия учун иқтисодий хавфсизликни баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблашнинг математик аппаратдан фойдаланиш услуби ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган услубий ёндашув ва усулларнинг умумтан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда жаҳон капитал бозорига интеграцияллашув жараёнида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда фойдаланишга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Жаҳон иқтисодий алоқаларига интеграциялашув даврида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ривожлантириш стратегияси 2017-2020 йилларда молиявий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларини умумлаштириб иқтисодий хавфсиз-

[1] Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти 29.12.2020 й. https://president.uz/uz/lists/view/4057

ликни баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблашга қаратилган бўлиб мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилайди.

2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида эришилган ва кўпайтирилган миллий иқтисодиётнинг активлари "Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси"ни ишлаб чиқиш учун шарт-шароитларни яратди, бу мамлакатимизнинг ўрта даромадли давлатларнинг юқори даражасига кўтарилишига замин яратади.

Концепцияда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таҳдид ва хавфлар туғдирувчи бир қатор омиллар, хусусан: жаҳон бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, технологик базанинг қолоқлиги, экспорт асосан хомашёга қаратилганлиги, ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг юқорилиги; ишсизликнинг ижтимоий хавфлари, инсон капитали сифати; молия ва банк тизимининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ институционал хатарлар кўриб чиқилган.

Шунингдек, тадқиқот ишида муаллиф томонидан Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида иқтисодий хавфсизликка таъсир қилувчи рисклар таснифланган ва тизимлаштирилган. Иқтисодий хавфсизликнинг асосий мақсадини аниқлаш ва унга эришиш учун тавсия этилган умумий стратегик схема учта ўзаро боғлиқ босқичларни назарда тутади (*1-чизма*).

Молия ва саноат тармоқларидаги ташқи таъсирлар Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги учун асосий хавф ва таҳдид ҳисобланиб, биринчи навбатда улар сирасига миллий банклар трансформациясининг ҳамда саноат-технологик базанинг самарадорлигини оширишни таъминлашда зарур бўлган узоқ муддатли молиявий ресурсларнинг тақчиллиги киради. Бу соҳада эришилган энг муҳим натижалар валюта бозорининг либераллаштирилиши, банк тизимига замонавий инструментларни жорий этилиши, инфляцион хатарларнинг камайиши, пул-кредит сиёсатини оптималлаштирилиши, иқтисодиётда давлат иштирокини камайиши, капитал бозорининг ривожланиши ва халқаро захираларнинг ўсишидан иборат бўлди.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган асосий кўрсаткичлар қуйидагилардир: инвестицияларни жалб қилиш ва инновацияларни жорий қилишнинг мураккаблиги, яширин иқтисодиёт, экспорт диверсификация даражасининг пастлиги, ташқи кредитларнинг ошиши, давлат ташқи қарзининг ошиб



1-чизма. Миллий иқтисодий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш схемаси.

кетиши ҳисобланади. Аммо таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткич бугунги кунда ХВФ ва бошқа ХМТлар томонидан ўрта даражада деб баҳоланмоқда. Ушбу ҳолатга коронавирус пандемияси ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Ўзбекистон иқтисодиёти нисбатан кам йўқотишларга дуч келди ва тезроқ тикланибгина қолмай, балки иқтисодий ўсишни тезлаштириш имкониятларини сақлаб қолди. Иқтисодий хавфсизликка хавф ва таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг оқибатларини прогноз қилиш Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлари мониторинги (иқтисодиётнинг ҳақиқий ҳолатини керакли кўрсаткич билан тизимли таққослаш) ёрдамида амалга оширилади. Хавфсизликнинг энг юқори даражасига индикаторларнинг бутун мажмуасида чегара қийматлари рухсат этилган чегараларда бўлса ва битта индикаторнинг чегара қийматлари бошқа индикаторларга нисбатан салбий таъсир ўтказмайдиган вазиятда эришилади.

Миллий иқтисодий хавфсизликни баҳолашнинг мавжуд усуллари ва омилларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, иқтисодий хавфсизликни комплекс баҳолаш учун турли услубий ёндашувларни бирлаштириш таклифи муаллиф томонидан шакллантирилди. Турли мамлакатлар, хусусан, Россия ва Ўзбекистонни қиёсий таҳлилини ўтказиш учун иқтисодий хавфсизликнинг барча кўрсаткичлари Харрингтон шкаласига мувофиқ, ягона ўлчов бўйича баҳоланиши керак [0, 1]. Амалий фойдаланиш қулайлиги учун муаллиф барча кўрсаткичлар оралиғини таржима қилган [0; 1] фоиз шкаласига [0; 100], кўрсаткичнинг ижобий чегара қийматлари [0,8; 1] оралиғида, манфийлари эса [0,0; 0.8]. Иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги кўрсаткичлари таклиф этилади:

1. Иқтисодий хавфсизликка асосий таҳдидларнинг намоён бўлиш эҳтимолини баҳолаш асосида ҳисобланган миллий иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи $(Э_1)$.

$$Э_1 = (N_1 / M_1)100, \%,$$

бунда N_1- таҳликалар сони, улар учун і -таҳликанинг миллий иқтисодий хавфсизлигига таҳдидни баҳолаш қиймати танқидий эмас, деб ҳисобланиши мумкин, яъни P_i мумкин бўлган чегара қийматлари қаторига киритилган P^A_i. M_1 - таҳдидларнинг умумий сони.

2. Иқтисодий хавфсизлик ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар асосида ҳисобланган ва миллий иқтисодиётни стратегик режалаштиришнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган миллий иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи $(Э_2)$.

$$Э_2 = (N_2/M_2)\ 100, \%,$$

бунда N_2 – і-кўрсаткичларнинг сони, бунга кўра миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳолатини тавсифловчи $П_i$ қийматлари $П^A_i$ интервалларига киритилади, бунда у миллий иқтисодий хавфсизликнинг мақбул ижобий даражасига эришиши мумкин. M_2 – бу кўрсаткичларнинг умумий сони.

3. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида ялпи ички маҳсулотнинг қабул қилиниши мумкин бўлмаган даражада пасайиши кўрсаткичлари асосида ҳисобланган иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи $(Э_3)$. Кўрсаткич таркибий сектор мувозанатининг бузилишини кўрсатади.

$$Э_3 = (N_3 / M_3)\ 100, \%,$$

бунда N_3 – ўзгариш (ўсиш, пасайиш)ни тавсифловчи k-инчи асосий саноатнинг D^t_k t -йилги D^{t-1}_k учун ўтган йилги улушга нисбати нисбати сони. M_3 – бу миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқлари сони.

4. Миллий хавфсизлик таркибий қисмларига етказилган иқтисодий зарарнинг ҳаддан ташқари ўсишини баҳолаш асосида ҳисоблаб чиқилган иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи $(Э_4)$:

$$Э_4 = (N_4 / M_4)\ 100, \%$$

бунда N_4 – бу миллий иқтисодий хавфсизлик таркибий қисмларининг сони, унга кўра иқтисодий зарарнинг ҳисобот йилидаги ўсиш қиймати ўтган йилга нисбатан миллий хавфсизликнинг і -компоненти (% билан) унинг ўзига хос таркибий қисми учун миллий хавфсизликни таъминлаш эҳтимоли юқори бўлган шароитларни тавсифловчи чегара қийматидан кам. M_4 – бу миллий хавфсизликнинг таркибий қисмлари сони.

5. Ижтимоий сўров асосида ҳисобланган миллий иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи $(Э_5)$:

$$Э_5 = (N_5 / M_5)\ 100, \%$$

бунда N_5 – қониқарли ва юқори даражадаги иқтисодий хавфсизлик мавжудлигини кўрсатган респондентлар сони; M_5 – респондентларнинг умумий сони. Ушбу кўрсаткичлар ва уларнинг ўртача балини ҳисоблаш асосида Россия ва Ўзбекистон миллий иқтисодий хавфсизлигини қиёсий таҳлили ўтказилди, бу шуни кўрсатдики, иқтисодий хавфсизликка асосий таҳдидларни $(Э_1)$ амалга ошириш эҳтимолини баҳолаш бўйича Россия Ўзбекистондан 8,3 фоизга олдинда; иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида $(Э_3)$ ялпи ички маҳсулотнинг қабул қилиниши мумкин бўлмаган кескин пасайиш баҳосига кўра 8,4 фоиз; миллий хавфсизликнинг таркибий қисмлари бўй-

ича иқтисодий зарарни баҳолаш бўйича ($Э_4$) 7,15 фоиз. Иқтисодий хавфсизлик ҳолати кўрсаткичларини ($Э_2$) 2,5 фоизга баҳолаш бўйича, ижтимоий тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон Россиядан ($Э_5$) 4,16 фоиз олдинда. 2017-2018 йилларда иқтисодий хавфсизликни ўртача баҳолаш динамикаси таҳлили Россиянинг ўртача рейтинги 4,91 фоизга, Ўзбекистон эса 3,57 фоизга ўсганлигини кўрсатди.

Таклиф этилаётган усуллар бир неча йиллар давомида кўрсаткичларни таққослаш асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини бошқа мамлакатлар билан қиёсий таҳлил қилиш имконини беради. Ундан ташқари, мазкур кўрсаткичлардан бошқа жадал ривожланаётган мамлакатлар ҳам халқаро интеграциялашув шароитида ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятларининг батафсил SWOT таҳлилидан фойдаланиш лозим (1-жадвал).

SWOT таҳлилининг бир қисми сифатида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизлик ва қўшни давлатлар билан ҳамкорлик талабларини ҳисобга олган ҳолда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратиш унинг қийматини ошириш учун юқори қийматга эга саноатни ривожлантиришни назарда тутади. Биринчидан, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларни яратиш ёки модернизация қилиш муҳим молиявий ресурслар ёки технологиялар мавжудлигини талаб қилади. Иккинчидан, янги ташкил этилган ёки модернизация қилинган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар барқарор ва юқори ички ва ташқи талабга эга бўлиши керак. Учинчидан, шунга мувофиқ юқори

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлиги SWOT таҳлили

Асосий параметрлар	(O) Имкониятлар (экологик омиллар, улардан фойдаланиш афзалликларни яратади)	(T) Таҳдидлар (вазиятни ёмонлаштирадиган омиллар)
Асосий параметлар	Иқтисодиётнинг асосий маҳсулотларига ташқи контрагентлардан барқарор талаб (пахта, ипак, табиий газ, олтин). Мавжуд юқори инвестицион салоҳият.	Қўшни мамлакатда минтақавий можаролар. Валюта тизимида хорижий валюталарининг устунлиги. Салбий ташқи савдо баланси. Ишсизлар ва камбағалларнинг ўсиши.
(S) Кучли томонлари (рақобатдаги устунликлар)	Имкониятларни қандай қўллаш лозим?	Хатарларни ниманинг ҳисобига камайтириш мумкин?
Табиий ресурс салоҳияти. Олтин-валюта захиралари. Аҳоли (потенциал катта ҳажмли бозор). Жўғрофий жиҳатдан Марказий Осиёнинг транспорт узели.	Маҳсулот экспортини кенгайтириш, янги савдо бозорларини излаш. Хом ашёни қайта ишлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни излаш.	Ўзаро алоқаларни кенгайтириш: Марказий Осиё, Россия ва бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ва МДҲ, ЕОИИ, ШҲТ ва бошқа кўп қиррали томонлар. Импорт ўрнини босиш бўйича оқилона маҳаллийлаштириш сиёсати. Миллий пул-кредит тизимининг ривожланиши. Транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш.
(W) Заиф томонлар (рақобатчиларга нисбатан)	Имкониятлардан тўла фойдаланишда нима халақит бериши мумкин?	Энг катта хатарлар
Иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши (қишлоқ хўжалигининг 33%). Кам таъминланган аҳоли улушининг юқорилиги. Инсон капитали сифати. Инвестицион фаолликнинг пастлиги. Сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар.	Ҳудудий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарадорликнинг пастлиги. Узоқ муддатли инвестиция ресурсларининг етишмаслиги.	Саноатни модернизациялаш ва иқтисодиётнинг мавжуд тармоқ тузилишини аниқлашдаги қийинчиликлар. Ташқи бозорларга киришдаги турли хил тўсиқлар туфайли экспортга нисбатан чекловлар.

малакага эга бўлган бўш меҳнат ресурслари бўлиши лозим. SWOT таҳлили истиқболли йўналишлар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўрта ва узоқ муддатли стратегиялаш имконини беради. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигининг SWOT таҳлили қўшни давлатлар билан ҳамкорлик доирасида Марказий Осиё, ЕОИИ ва МДҲ ҳудудида интеграцион масалалаларни амалга оширишга ижобий ҳисса қўшиши, шунингдек, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг дунёнинг энг ривожланган 50 та мамлакат қаторидан жой олишига хизмат қилиши мумкин.

Хулоса

1. Таклиф этилган макроиқтисодий ва микромолиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимининг ўзаро таъсирини баҳолашга асосланган молиявий-иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамланма) индексини қўллаш Ўзбекистон ва Россия Федерацияси учун молиявий-иқтисодий хавфсизлик композит индексининг ўзига хос параметрларини аниқлаш ҳамда миллий иқтисодий хавфсизликни ва трансформация жараёнидаги бошқа мамлакатлар ҳолатини объектив қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

2. Халқаро интеграцион жараёнлар ва ўзаро ҳамкорлик шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини трансформацияси жараёнидаги давлатлар томонидан қўллаш, ўз навбатида, қисқа вақт ичида ташқи дунёдан ёпиқ бўлган мамлакатдан очиқ иқтисодиётга эга бўлган ривожланган давлатлардан бирига айланиш, маъмурий тўсиқлар ва чекловлар даражаси юқори бўлган моделдан давлат ва бозор усулларининг мақбул комбинациясига асосланган замонавий иқтисодиёт моделига ўтиш учун ўтиш даврида трансформация жараёнларида ижобий қўллаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 й.
2. Абдурахманов К.Х., Гойибназаров Ш.Г., Исламов Б.А, Закирова Н.К., Талипова Н.Т., Исаходжаева М.Я. «Глобализация и иностранные инвестиции». Монография. Ташкент, «Узбекистан». 2020 г.
3. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. ва бошқалар. Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. Монография.- Т.: "Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи", 2019 й. -395-б.
4. Глазьев С.Ю. «О неотложных мерах по укреплению экономической безопасности России и выводу российской экономики на траекторию опережающего развития». Доклад. Научный совет РАН, 2015 г.
5. Гринберг Р.С., Рубинштейн А.Я. Основания смешанной экономики. Экономическая социодинамика. – ИЭ РАН, 2008 г.
6. Зиядуллаев У.С. Экономическая безопасность и интеграция национального хозяйства Республики Узбекистан в мировой рынок капитала // Под ред. чл.-корр. РАН, д.э.н., проф. В.А. Цветкова // М., ИПР РАН, 2020 г. – 296 с.
7. Исахужаев А.Т. Иқтисодий хавфсизлик мезонлари ва шакклари. «Общественные науки в Узбекистане» 2003 й., № 4, б. 2-10.
8. Квинт В.Л. Теория и практика стратегирования. Ташкент, Тасвир, 2018 г.
9. Мирзиёева С.Ш. Анализ опыта Узбекистана по разработке стратегий развития страны и регионов. СПб, Управленческое консультирование, РАНХГС, 2019 г., №3.
10. Талипова Н.Т. Вопросы обеспечения экономической безопасности устойчивого развития Республики Узбекистан /Проблемы рыночной экономики, 2018 г.
11. Хайдарова Д.Р. Экономическая безопасность Узбекистана в контексте развития внешней торговли. Автореф. дисс. к.э.н.. – Т., УМЭД, 2008 г.
12. Aizenman J., Chinn M., Ito H. Assessing the Emerging Global Financial Architecture: Measuring the Trillema's Configuration over Time // NBER Working Paper No 14553, 2008.
13. Abdurakhmanov K., Zakirova N., Islamov B., Hiwatari M. Systemic Transformation and Sustainable Human Development: Case of Uzbekistan, Monograph, Gunadarma University Press, Jakarta, Indonesia, 2016.

УЎТ: 378.1

Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалалари
Вопросы обучения конкурентоспособного персонала в системе высшего образования
Issues of training competitive personnel in the higher education system

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,
кафедра мудири, PhD
Ҳамза РЎЗИЕВ,
Нигина ОДИНАЕВА
магистрантлар.
Бухоро давлат университети

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон таълим тизимидаги асосий ўзгаришлар ва устувор вазифалар, шунингдек, битирувчиларининг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш масалалари ёритилган.

В статье освещаются ключевые изменения в системе образования Узбекистана и основные задачи, вопросы повышения конкурентоспособности выпускников вузов на рынке труда.

The article highlights the key changes in the education system of Uzbekistan and the main tasks, issues of improving the competitiveness of university graduates in the labor market.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада энг муҳим масалалардан бири, меҳнат бозорида олий таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлигини ошириш устувор муаммолардан бири ҳисобланиши ва уларни ҳал қилиш учун мажмуали равишда ёндашиш лозимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида эътибор қаратилган ўта муҳим ва ўзига хос жиҳат - халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш мақсадида: "Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида, юртимизда 2021 йилга "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" [1] деб эълон қилиниши чуқур маънога эгадир.


Бу, хусусан, ташкилий механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни назарда тутиб, олий таълим муассасаларининг меҳнат бозори билан ўзаро боғлиқлигини изчиллик билан амалга ошириш ва такомиллашишига олиб келади. Бу жараёнда давлат, олий таълим муассасалари, оилалар, талабалар, давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва бошқалар юқоридаги муаммони ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, турли хил субъектларнинг саъй-ҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштирилмаслиги сабабли битирувчиларнинг рақобатбардошлигини тўлақонли таъминлай олмайди ва бу ҳолат битирувчиларнинг меҳнат бозорига сунъий равишда мослашиш

Калит сўзлар: таълим, инновацион ривожланиш, олий таълим, илмий-техник ривожланиш, университет, рақобатбардошлик, битирувчилар, меҳнат бозори.

жараёнини юзага келтиради.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда бевосита ёки билвосита иштирок этувчи турли субъектларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурати туғилиб, рақобат шароитида ижтимоий ва касбий тажрибага эга бўлмаган битирувчилар етарли даражада ҳимоя ланмаган ижтимоий гуруҳ бўлиб, ишга жойлашиш жараёнида қатор қийинчиликларга дуч келади. Бу меҳнат бозорининг ёшлар сегментидаги вазиятни янада оғирлаштиради. Бухоро вилояти статистик маълумотларига кўра, рўйхатдан ўтган ишсизларнинг қарийб 25-30 фоизини ёшлар ташкил этади, уларнинг ҳар учдан бир қисми олий маълумотга эга[1] Олий таълим муассасаларини иқтисодий бошқариш мураккаб, зиддиятли бўлиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ёки хизматлар соҳасининг бозор тан оладиган кўпгина тармоқларини бошқаришдан бир қатор сифат белгиларига кўра фарқланади. Уларнинг асосийси таълим тизимининг нафақат бозор учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан чекланиши, балки жамият ва давлатнинг сиёсий-ғоявий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда бошқа эҳтиёжларини таъминлашнинг муҳим омили бўлган меҳнат ресурсларини тайёрлаши ва такомиллаштириб боришидан иборатдир. Шу сабабли, таълим тизимини бошқариш ва унинг самарадорлигига баҳо беришга жамиятнинг кенг қамровли эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Таълим хизматларининг глобал бозорда рақобатнинг кучайиши муаммолари билан боғлиқ. Олий таълим муассасалари ўзларининг рақобатбардошлигини ошириш йўлларини ва воситаларини қидиришмоқда.

Малакали меҳнат ресурслари Республикамиздаги мавжуд узлуксиз таълим тарбия тизимида шаклланади. 2019 йил 1 январь ҳолатида Республика мактабгача таълим ёшидагиларининг 35 фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган. Ҳудудлар кесимида ушбу кўрсаткичлар тақсимоти қуйидагича: Тошкент шаҳрида 74 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 41 фоиз, вилоятлар кесимида эса Фарғона 40 фоиз, Бухоро 39 фоиз, Навоий ва Сирдарё 38 фоиз, Тошкент 37 фоиз, Жиззах 32 фоиз, Хоразм 30 фоиз, Самарқанд ва Қашқадарё 24 фоиз, Сурхондарё 18 фоизга тенг. Республика ёшларининг таълим муассасалари ва олий таълимдан кейинги таълим институтларида ҳудудлар кесимидаги тақсимоти 1-чизмада келтирилган [4].




1-расм. Олий таълим муассасалари учун қабул квотаси

Кейинги йилларда умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми ҳисобланган инсон капитали ривожига эътибор кучайди. Ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оилавий муносабатларни яхшилаш, маҳалла институтлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда таълим-тарбия тизимидаги туб бурилишлар шулар жумласидандир.

1992-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори ва фан номзодлари илмий даражасида тасдиқланган фан тармоғлари кесимидаги тақсимот 2-чизмада келтирилган [4].

Ушбу кўрсаткичларда жами 14976 та илмий даража олганлардан 2408 (16 фоиз) нафари фан доктори, 12568 (84 фоиз) фан номзодларидир. Фан тармоғлари бўйича барча илмий даража олганларнинг тақсимоти эса қуйидагича: тиббиёт – 3778 (25 фоиз), техника – 1851 (12,4 фоиз), филология – 1162 (7,8 фоиз), иқтисодиёт – 1480 (9,9 фоиз), физика-математика – 988 (6,6 фоиз), педагогика – 929 (6,2 фоиз), биология – 854 (5,7 фоиз), юридик – 716 (4,8 фоиз), тарих – 679 (4,5 фоиз), қишлоқ хўжалиги – 656 (4,4 фоиз), фалсафа – 397 (2,6 фоиз), психология, география, геология-минералогия, фармацевтика, сиёсат – (1 фоиз) атрофида, санъатшунослик, ветеринария, архитектура, социология – (0,25- 075 фоиз), исломшунослик – (0).




2-расм. 1992-2012 йилларда фан доктори ва фан номзодлари илмий даражасида тасдиқланган мутахассисларнинг фан тармоқлари бўйича тақсимланиши

[1] www.lex.uz.

Мазкур илмий даражалиларнинг фан ва олий таълим муассасаларида шакллантирилган илмий мактаблари асосида кейинги йилларда ҳам илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш давом эттирилди. 2013-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган илмий кадрларнинг фан тармоқлари кесимидаги тақсимоти 3-чизмада келтирилган [4].

Ушбу кўрсаткичларда жами 2901 та илмий даража олганлардан 1060 (36 фоиз) нафари фан доктори (DSc), 1841 (64 фоиз) фалсафа доктори (PhD). Фан тармоғлари бўйича барча илмий даража олганларнинг тақсимоти қуйидагича: техника – 580 (28 фоиз), тиббиёт – 481 (16,6 фоиз), филология – 262 (12,5 фоиз), қишлоқ хўжалиги – 237 (8 фоиз), иқтисодиёт – 226 (7,8 фоиз), педагогика – 191 (6,6 фоиз), физика-математика – 184 (6 фоиз), биология – 157 (5,4 фоиз), кимё – 112 (3,8 фоиз), юридик – 96 (3 фоиз), тарих – 95 (3 фоиз), фалсафа – 69 (2,4 фоиз), геология-минералогия, психология, география, фармацевтика, сиёсат – (1 фоиз) атрофида, санъатшунослик, ветеринария, архитектура, социология – (0,25-075 фоиз), исломшунослик – 2 (0,07 фоиз).



3-расм. 2013-01.08.2019 йилларда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган мутахассисларнинг фан тармоқлари бўйича тақсимланиши

Юқоридаги таҳлиллар инсон капиталига асосланган инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илм-фан ва таълимга бош устувор йўналиш сифатида қараш, соҳалар ташкил этувчилари (фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш) интеграциялашувини чуқурлаштириш, инвестицион жараёнларни янада жадаллаштириш ҳамда инновацион муҳитни яратиш, илмий-тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва яратувчанликни рағбатлантириш мақсадлилигини кўрсатади.

Олий таълимнинг асосий мақсади рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва рақобатбардош хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборатдир. Аммо, ҳозирги кунда олий таълимни ташкил этиш энг яхши тизимини белгилаш учун сифатни бошқаришнинг амалиётда синовдан ўтган усулларини қўллаш жараёни долзарб бўлиб қолмоқда. Битирувчилар рақобатбардошлиги кўрсаткичини белгиловчи асосий омиллардан бири сифатида албатта битирувчиларининг ишга жойлашиш даражаси ва меҳнат фаолиятидаги муваффақияти билан ўлчаниши табиий ҳолдир [5].

Бозор иқтисодиёти шароитида олий таълим муассасалари кўпинча истеъмолчилар талаби ва афзалликларини инобатга олмайди. Шу билан бирга, таълим муассасаси битирувчиларнинг таълим сифати ва иш билан таъминланиши учун жавобгардир. Инновацион ривожланиш жараёнида баъзи ОТМлар қийин муаммога дуч келмоқдалар – бир томондан, университетнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, бошқа томондан унинг битирувчиларини иш билан таъминлаш.

Ечим битта бўлиши мумкин: битирувчиларнинг рақобатбардошлиги (иш билан таъминланиши) учун жавобгарликни бирлаштириш ва талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш. Таълим муассасалари олдида нафақат меҳнат бозорининг миқдор ва сифат жиҳатидан ривожланиш тенденциялари, балки келажакдаги истиқболларини башорат қилиш вазифаси турибди. Меҳнат бозори учун ёш мутахассисларни тайёрлаш сифатини башорат қилиш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, жамиятнинг саноат ва инновацион ривожланишининг асосидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, битирувчининг таълим натижалари (ўқув натижалари) нафақат миллий ҳамда ишлаб чиқариш малакалари доирасида, касб стандартларига мос келиши, балки унинг ишга жойлашиши, қўшимча маълумот олиш ва агар керак бўлса, фаолият соҳасини ўзгартириши учун кенг имкониятларни яратиб бериши даркор. Буларнинг барчасига фақат касбий фаолиятнинг аниқ йўналишларига йўналтирилган талабаларни тайёрлаш орқали эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси/ Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон". 2017 й.

3. Основные макроэкономические тренды Узбекистана. Информационно-аналитический обзор. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований. Министерство экономики и промышленности. – Ташкент: 2019 г.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси "2018 йилда Ўзбекистон республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг кўрсаткичлари". – Тошкент: 2019 (2019 йил 1 январь ҳолатига).

5. Қаҳҳоров О.С., Адизов Б.И. Олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги: тушунчалар, фикрлар, қарашлар.// Жамият ва Бошқарув. 2019 й. №1 (83). 115-117-бетлар.

6. Усмонов Б.Ш., Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорлик. – Т.: "Адабиёт учқунлари", 2017 й. 75 б.

7. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. – Т.: "Фан ва технология", 2015 й.

8. www.lex.uz.

УЎТ: 333

Ўзбекистонда агросаноат кластерларининг шаклланиши ва жадал ривожлантириш йўллари
Пути формирования и быстрого развития сельскохозяйственных кластеров в Узбекистане
Ways of formation and rapid development of agricultural clusters in Uzbekistan

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА,
Фарғона давлат университети и.ф.н., доцент.

Аннотация

Мақолада мультипликатив ва синергистик таъсирга эришишни таъминлайдиган иқтисодий интеграциянинг янги механизмларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни белгилаш, ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этишнинг энг самарали шаклларидан бири сифатида алоҳида минтақалар ёки ҳудудлардаги иқтисодий кластерлар тўғрисида сўз юритилган.

В статье рассматриваются вопросы экономических кластеров в отдельных регионах и территориях как одних из наиболее эффективных форм организации производительных сил, определяющих формирование и развитие новых механизмов экономической интеграции, обеспечивающих достижение мультипликативных и синергетических эффектов

The article examines economic clusters in certain regions or territories as one of the most effective forms of organizing productive forces, determining the formation and development of new mechanisms of economic integration, ensuring the achievement of multiplicative and synergistic effects.

Ҳозирги глобаллашув шароитида интеграцион жараёнлар жаҳон хўжалиги ва миллий иқтисодиёт даражасида ҳамда унинг турли бўғинлари кўламида рўй беради. Бу жараён, ўз навбатида, мос келувчи коммуникацион тизим ва инфратузилма муассасаларини тақозо этади. Ҳар қандай даражада интеграцион жараёнлар хўжалик юритишнинг муайян шакллари орқали рўёбга чиқарилади. Жаҳон хўжалигида бу трансмиллий компаниялар бўлса, миллий иқтисодиёт даражасида пировард маҳсулот ва хизматлар яратишда иштирок этувчи ҳудудий ёки тармоқлараро кесимдаги "ягона технологик занжир"га боғланган барча ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи)ларни ўз ичига олган "кластер"лардир. Иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада самарадорликни ва рақобатбардошликни таъминлай олмаётган ҳозирги даврда инновацион тараққиёт йўлига ўтиш янги иқтисодий тузилма "кластер"ларни жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга эътибор қаратилади".

Калит сўзлар: агросаноат кластери, инновацион ривожланиш, давлат буюртмаси, минтақавий тизим, иқтисодий барқарорлик.

Маълумки, 2020 йил 4 февраль куни Президент иштирокидаги йиғилишда кластерлар фаолиятини ривожлантириш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини босқичма-босқич бекор қилиш масалалари муҳокама қилинди[1].

Қайд этилишича, мамлакатда аграр соҳани ислоҳ қилиш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кластер усули йўлга қўйилди, экин турлари замон талабидан келиб чиқиб ўзгартирилди. Натижада ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошмоқда. Республикада етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 66 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Унга мувофиқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мева-сабзавот кластерлари ташкил этилмоқда.

Кластерлар томонидан қайта ишлаш, сақлаш ва қуритиш бўйича 430 минг тонна қўшимча қувватларни ишга тушириш юзасидан 96 та лойиҳа режалаштирилган. Шунингдек, 6 минг гектарда интенсив боғ ва 8 минг гектарга яқин майдонда узумзор барпо қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жорий йилда 410 млн. долларлик маҳсулот экспорти мўлжалланган.

Бугунгача мамлакатда 73 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган, ўтган йилги пахта ҳосилининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган. Ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна пахта олинган.

Кластер ташкил этилмаган пахта майдонларида фермерлар иштирокида кооперациялар фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди. Бунда ўша ҳудудлардаги пахта тозалаш заводлари фермерларга кооперация ташкил этиш учун берилади, қўшилган қийматдан тушган даромад кооперация аъзолари – фермерлар ўртасида тақсимланиши белгиланди.

Пахта етиштиришни молиялаштиришнинг амалдаги тизими кластерлар билан ишлашга мослашмагани кўрсатиб ўтилди. Шу боис кластерлар ва фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Пахта ва ғалла бўйича давлат режасини бекор қилиш, экинларни мажбурий жойлаштириш тартибидан 2023 йилгача босқичма-босқич воз кечиш бўйича жорий ва келгуси йилда амалга оширилаётган тадбирлар атрофлича кўриб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигида кластер тизими экинларини етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олади.

Мутахассислар фикрига кўра, бугун дунёдаги кўпгина етакчи давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи қамраб олинган. Дания, Финландия, Норвегия, Швеция саноатида тўлиқ кластер усули татбиқ қилинган. АҚШда эса мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг ярмидан кўпи шу тизимда ишлаб, улар томонидан тайёрланаётган товарлар ЯИМнинг 60 фоизини ташкил қилади.

Кластерлар нафақат иқтисодиётнинг реал сектори, тармоқ ва соҳаларини, балки ижтимоий соҳа (таълим, фан)ларни қамраб олади. Кластерлар ташкилий-иқтисодий шаклига кўра икки тоифага ажратилади:

1. Аниқ бир турдаги пировард товар (хизмат)ни ишлаб чиқаришда қатнашувчи вертикал ва горизонтал боғлиқликда жойлашган корхона ва хўжаликларни ўз ичига олган кластерлар.

2. География нуқтаи назардан бир-бирига яқин жойлашган, ишлаб чиқариши ўзаро боғлиқ бўлган компания, корхона, муассаса ва ташкилотлар мажмуини ўз ичига олган кластерлар.

Кластернинг ҳар иккала шаклида унинг таркибига кирган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини йўқотиб, фақат ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мустақиллигини сақлаб қолади.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш даражаси ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мутлақо янги шаклларини яратиш ва ундан фойдаланиш амалиётида зарур бўлмоқда. Минтақавий тизимларнинг иқтисодий ривожланишининг барқарорлиги, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш стандарт усуллар ва бошқарув воситаларидан фойдаланган ҳолда таъминлайди.

Айнан шу ҳолат хорижий ва маҳаллий олимлар-

[1] Шавкат Мирзиёев "Қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини ривожлантириш". Халқ сўзи. 2020 йил, 5 февраль.

ни ўз тадқиқотларининг мақсади сифатида мультипликатив ва синергистик таъсирга эришишни таъминлайдиган иқтисодий интеграциянинг янги механизмларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни белгилашни талаб қилади. Бугунги кунда ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этишнинг энг самарали шаклларидан бири сифатида алоҳида минтақалар ёки ҳудудлардаги иқтисодий кластерлар ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш" номли бандида фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш ва бошқа муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўйилган мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

– минтақавий қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш;

– юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотини экспортга йўналтириш;

– қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун 15-20 та марказ яратиш;

– халқаро сифат стандартларини қабул қилиш ва бошқалар.

Республикамизда иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида бутун агросаноат мажмуасининг тараққиётини белгилаб берувчи ҳудудий пахта-тўқимачилик кластерлари муҳим ўрин тутади. Чунки, пахта-тўқимачилик кластери нафақат енгил саноатни, балки ўз ичига қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий иқтисодиёти учун замонавий бўлган, саноатнинг инновацион тури кластер механизмидан фойдаланиш, хусусан, пахта-тўқимачилик кластерларида "пахта хом ашёсини етиштириш–қайта ишлаш–тайёр маҳсулот" кўринишидаги 100 фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектлари ташкил этилмоқда. Чунки, пахта-тўқимачилик кластерларида пахта хом ашёсини етиштириш учун ерларни тайёрлаш, пахтани экиш, етиштириш, йиғиштириб териб олиш, қайта ишлаш ва бирламчи қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш йўли билан халқаро стандартларга мос келувчи юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг реализацияси билан шуғулланувчи корхоналар битта бошқарув тизимида бирлашади. Ресубликамиз қишлоқ хўжалиги ва унга туташ тармоқларга хўжалик юритишнинг янги шакл ва усулларини қўллаш, сўзсиз бутун мамлакат иқтисодиёти ва хусусан, унинг аграр тармоғининг кескин тараққиётига олиб келади.

Юқоридаги фикримизнинг далили сифатида Фарғона вилояти Лоғон қишлоғида ташкил этилган "Баҳодир Лоғон Текстил" МЧЖни мисол қиламиз. Ушбу корхона пахта хом ашёсини калава ипга айлантириб Россия, Беларусь, Чехия, Хитой, Туркияга экспорт қилмоқда. Ҳозирда корхонада 1025 та ишчилар фаолият юритиб, иш 3 сменада ташкил этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, агросаноат кластерлари мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун иқтисодий ўсишнинг "драйвери" вазифасини бажаради. У қўшимча қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди ҳамда алоҳида корхоналарнинг рақобатдаги устунлигини кучайтиради. Агросаноат кластерлари қишлоқ хўжалиги тараққиёти ҳамда мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлик даражасини оширишнинг инновацион йўлларидан бири ҳисобланади. Кластер ёндашувининг назарий масалалари бир қатор маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан кўриб чиқилган, шунинг учун бугунги кунда биз кластерни аниқлашга ва уларнинг таснифига, кўлами, йўналиши ҳамда бошқалар бўйича фарқ қиладиган ёндашувларни ажратиб олишимиз мумкин. Умуман олганда, "кластер" бу муайян функцияларнинг бажарилишини таъминлаш учун яхлитликни ташкил этувчи алоҳида элементлар-

нинг маълум бир бирикмаси ҳисобланади. Ушбу элементларнинг комбинацияси алоҳида равишда ҳар бир элементга қараганда самаралироқ ишлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. "Қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини ривожлантириш". "Халқ сўзи". 2020 йил, 5 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // "Халқ сўзи". 2017 йил 8 февраль.

УЎТ: 338.45. (575.1)

Озиқ-овқат саноати корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиялари
Стратегии обеспечения конкурентоспособности предприятий пищевой промышленности
Strategies for ensuring competitiveness of food industry enterprises

Саида ЮЛДАШЕВА,
Бухоро муҳандислик-технология институти
катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада озиқ-овқат саноатининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳамияти ва унинг ривожланиш кўрсаткичлари ёритилган. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш масалалари келтирилган ва корхоналарда рақобат стратегияларини қўллаш йўналишлари кўрсатилган.

В статье освещен значимость пищевой промышленности в экономике нашей страны и показатели его развития. Приведены вопросы повышения конкурентоспособности предприятий пищевой промышленности и показаны направления внедрения конкурентных стратегий на предприятиях.

The article highlights the content, essence, principles and features of digital economy, identifies the factors and opportunities for the formation of the digital economy in the republic and shows the measures for the development of knowledge economy and human capital.

Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: "Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда "даладан дўконгача" бўлган узлуксиз занжирни яратиш ҳисобланади" [1].

Маълумки, инсон ҳаётининг ривожланиши, унинг саломатлиги, унумли меҳнат қилиш қобилияти аввало, истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларига, унинг тўйимлилигига ва турли хил минералларга бой эканлигига чамбарчас боғлиқдир. Ушбу боғлиқлик мамлакатда доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти масаласининг бирламчи аҳамиятини назарда тутган ҳолда халқнинг кундан-кунга ошиб бораётган эҳтиёжларини мунтазам равишда қондириб боришни тақозо этади. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида давлат иқтисодий тараққиётининг шарт-шароитларидан келиб чиқиб ўзининг озиқ-овқат сиёсатини ишлаб чиқади.

Республика саноатининг тармоқ тузилмасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзига хос ўрни бўлиб, ушбу саноат тармоғи бугунги кунда аҳолининг кенг турдаги истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг кейинги йиллардаги ривожланиш кўрсаткичлари таҳлилининг кўрсатишича, ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2018 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқа-

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, рақобат, рақобатбардошлик, стратегия, озиқ-овқат саноати таҳлилидаги кучлар, рақобат меъёрлари, нарх етакчилиги стратегияси, фарқланиш стратегияси, негиз стратегияси.

ришнинг улуши 13,0 фоизни ташкил этди ва 2019 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 34483,2 млрд. сўмга тенг бўлди. Ҳудудлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича юқори улушлар Тошкент шаҳри (21,4 фоиз), Тошкент вилояти (16,4 фоиз), Самарқанд вилояти (9,3 фоиз) ва Қашқадарё вилоятида (6,5 фоиз) қайд этилди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг кам улушлар Жиззах вилояти (1,9 фоиз), Сурхондарё вилояти (2,4 фоиз), Сирдарё вилояти (2,9 фоиз) ва Хоразм вилоятида (3,5 фоиз) кузатилди [2].

Бугунги кунда мамлакатимиз озиқ-овқат саноатининг олдида турган муҳим масалалардан бири тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бўйича хорижий мамлакатларни етакчи фирмалари билан рақобатлашмоқда. Ҳозирги кунда рақобатни хатти-ҳаракат нуқтаи назаридан тушуниш, корхоналарлар ўртасида рақобат курашини такомиллаштириш йўналишидаги ривожланиш, деб тушуниш лозим. Бундай ёндашув рақобат устунликлари назариясини асосчиси америкалик иқтисодчи М. Портернинг ("Рақобат стратегияси", 1980, "Рақобат устунлиги", 1985) ишларида ўз аксини топган.

Иқтисодчи олимлар томонидан рақобатни функционал тушуниш нуқтаи назаридан унинг бозор хўжалигидаги ўрни кенг ёритилган. Масалан, Й.Шумпетер[3] рақобатни эски технологияларнинг янги технологиялар билан рақиблик қилиши сифатида таърифлайди. Ф.Фон Хайек[4] рақобатни "очиш тартиботи" деб номлайди, бунда рақобат туфайли яширинча нарсалар ошкор бўлади, яъни, рақибликнинг кучайиши юз беради ва корхоналар мақсадга эришишнинг энг самарали усулини топишга мажбур бўладилар.

Г.Л. Азоевнинг [5] фикрига кўра, рақобатни тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигига эришишга йўналтирилган умумий иқтисодий сиёсатнинг бир қисмига айланиши керак. Рақобат сиёсати иқтисодий ҳокимиятга йўл қўймасликка ва уни чеклашга хизмат қилиши лозим, яъни, давлат рақобатнинг интенсивлигини кучайтириш учун шароитлар яратиши ва шу билан бирга унга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиши даркор. Фақат рақобат иқтисодий ҳокимиятнинг йирик корпорациялар қўлида бўлишини ва улар томонидан бозордаги ўйин қоидаларининг ўрнатилишини чеклаши мумкин.

Рақобатни ривожлантириш ва стратегик режалаштиришга оид энг катта янгиликлар М. Портер томонидан киритилган. Унинг рақобат стратегиялари кўрсатишича, корхонанинг раҳбари учта умумий стратегиядан бирини танлаш имкониятига эга. Корхонанинг рақобатчилари орасидаги ўрни



1-чизма. М. Портернинг озиқ-овқат саноати таҳлилидаги кучлар[7].

ва корхона фаолият кўрсатаётган саноат тармоғига тўғри келадиган стратегия муваффақият гарови ҳисобланади. Портернинг асосий ҳиссаси бошқарувнинг саноат ўртача кўрсаткичларидан юқори даромад олиш учун қандай қилиб рақобат устуворлигини яратиш ва уни сақлаб қолиш мумкинлигини кўрсатишда бўлди [6].

М. Портернинг таъкидлашича айрим саноат тармоқлари бошқаларга нисбатан даромадлироқ бўлади. Тўғри танланган рақобат устуворлиги ҳар қандай саноат тармоғини муваффақиятга етаклайди, бунда муносиб стратегияни танлаш энг асосий омил ҳисобланади. М. Портер томонидан озиқ-овқат саноатини таҳлил қилишда инобатга олиниши керак бўлган асосий кучлар сифатида қуйидагилар кўрсатиб берилган (1-чизма).

1-чизмада келтирилган бешта омил биргаликда озиқ-овқат саноатининг даромадлилигини таъминлайди. Чунки, бу омилларнинг ҳар бири корхона маҳсулотларининг нархи, харажатларнинг таркиби ва инвестиция шартларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу билан бирликда, саноат тармоғининг динамикаси доимий ўзгаришда бўлади. Бутун жуда қулай шароитларга эга бўлган саноат тармоғи эртага бутунлай инқирозга учраши мумкин. Шунинг учун озиқ-овқат саноати корхоналарининг раҳбарлари ўзлари фаолият кўрсатаётган тармоқни ва унда рўй бераётган ўзгаришларни доимий равишда кузатиб, уларни баҳолаб боришлари лозим.

Озиқ-овқат саноатида 5 та омил рақобат меъёрларини аниқлаб беради:

1. Кириш тўсиқлари. Корхонанинг ёки маҳсулотнинг истеъмолчиларга нотанишлиги, керакли капитал ҳажми каби факторлар янги рақобатчилар учун саноатга кириш қанчалик осон ёки енгиллигини аниқлаб беради.

2. Ўзгаришлар хавфи. Нархлар ўзгарувчанлиги, истеъмолчилар садоқати каби факторлар истеъмолчиларнинг рақобатчиларга ўтиб кетиш эҳтимоллик даражасини аниқлаб беради.

3. Истеъмолчилар кучи. Маҳсулот ҳажми ва ўрнини боса оладиган бошқа маҳсулотлар мавжудлиги каби омиллар истеъмолчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган таъсир кучини аниқлаб беради.

4. Таъминотчилар кучи. Таъминотчиларнинг бирдамлиги, ўрнини боса оладиган бошқа материаллар мавжудлиги каби омиллар таъминотчиларнинг озиқ-овқат саноати корхоналарига бўлган таъсир кучини аниқлайди.

5. Рақобат даражаси. Саноатнинг ўсиш суръатлари ва корхона маҳсулотларининг ўзига хослиги озиқ-овқат саноатида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ўртасидаги рақобат даражасини аниқлаб беради.

Портернинг фикрига кўра, барчага фойда кўришни истаган корхона ҳеч қачон саноатнинг ўртача кўрсаткичларидан юқорига ўта олмайди. Бироқ бу корхонага фойда кўриш учун жамиятнинг бир қисмига зарар етказиш ҳуқуқини бермайди. Шунингдек, у ҳар бир корхона рақобат устуворлигига олиб келадиган ўзининг стратегиясини танлаши керак деб ҳисоблайди. Бу борада, озиқ-овқат саноати корхоналари *нарх-етакчилиги, фарқланиш* ва *негиз* стратегиялардан бирини танлаши мумкинлигини айтиб ўтади.

Озиқ-овқат саноатидаги паст нархларни таклиф қилишга интиладиган корхоналар *нарх-етакчилиги* стратегиясини қўллайдилар. Бу стратегиянинг муваффақиятли бўлиши учун корхона мазкур тармоқда нарх етакчиларидан бири эмас, балки ягона энг паст нархларга эга бўлган етакчи бўлиши лозим.

Озиқ-овқат саноати корхоналари истеъмолчилар томонидан юқори қадрланадиган ўзига хосликка эга бўлишга интилсалар улар *фарқланиш стратегиясини* қўллашлари лозим Бундай корхоналар рақобатчилардан фарқланиш учун юқори сифат, ғайритабиий хизматлар, инновацион кўриниш ёки технологик қобилият таклиф қилиши мумкин. Танланган ўзига хос хусусиятлар рақобатчиларникидан фарқли бўлиб, бу янги хусусиятларни қоплаш учун қилинган қўшимча харажатларга боғлиқ равишда нархлар ҳам юқорироқ бўлиши лозим.

Негиз стратегияси тор доирада нарх устуворлиги (нарх негизида) ёки фарқланиш устуворлигига (фарқланиш негизида) эришиш учун қўлланилади. Яъни, бозоридаги маълум бир омилга (масалан маҳсулот тури, истеъмолчи табақаси, маҳсулот тарқатиш каналлари ёки истеъмолчиларнинг географик жойлашуви)га қараб битта сегментни ёки ўхшаш сегментлар гуруҳини танлаб, фақат уларга хизмат кўрсатиш мақсадида стратегиялар ишлаб чиқади. Негиз стратегиясининг муваффақияти танланган сегментнинг катта-кичиклигига ҳамда сегмент негизида ишлашнинг қўшимча харажатларни қоплай олиш хусусияти билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, Coca Colaнинг катта 1,5 литрлик идишлардан ташқари кичик шиша идишларда ҳам сотилиши

бошқа яхна ичимлик ишлаб чиқарувчилар устидан фарқланиш негизида рақобат устуворлигига эришди. Чунки, бошқа ҳеч бир рақобатчи бу турдаги кичик идишларда яхна ичимлик сотмайди. Бироқ, бу стратегиянинг муваффақияти узоқга чўзилмади. Чунки, фарқланиш учун қилган харажатларни қоплаш мақсадида қўйилган устамалар маҳсулот нархини жуда қиммат қилиб қўйди. Негиз стратегияси кичик бизнес учун энг самарали ва муваффақиятли стратегиялардан бири ҳисобланади. Чунки, кичик бизнеснинг нарх етакчиси бўлиш учун одатда ресурслардан имтиёзли фойдаланиш имконияти ёки ўзини бозорда фарқли қилиш учун технологик имкониятлари бўлмайди.

Портер юқоридаги учта стратегиядан бирини қўллаб рақобат устуворлигига эришмаган корхоналарни *ўртада қотиб қолган корхоналар* деб атайди. Бу корхоналар узоқ муддатли муваффақиятга эриша олмайдилар.

Стратегияни танлашда корхона ўзининг кучли томонларини ҳамда рақобатчиларининг кучсиз томонларини инобатга олиши лозим. Корхона тармоқдаги бошқа корхоналар билан кескин рақобатга олиб келадиган стратегияларни четлаб ўтишга ҳаракат қилиш керак. Бу орқали озиқ-овқат саноат корхонаси ўз кучини рақобатчиларни кучсиз томонида кўриши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. "Халқ сўзи". 2020 йил 24 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

3. Schumpeter Y. Business Cycles. vol. 1,2. – New York, 1999.

4. Хайек Ф. Индивидуализм и экономический порядок. — М.: Изограф, 2000 г.

5. Азоев Г.Л., Челенков А.П. Конкурентные преимущества фирмы.– М.: «НОВОСТИ», 2000 г.

6. М. Портер. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. М.: «Альпина Паблишер», 2008 г. 7. Porter M. E. How Competitive Forces Shape Strategy // *Harvard Business Review,* March/April 1999 г.

УЎТ: 330:371.3(575.1)

Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантириш йўналишлари
Направления развития человеческого капитала в цифровой экономике
Directions of development of human capital in the digital economy

Мираббос ХАМРОКУЛОВ,
ТДИУ таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада рақамли иқтисодиётнинг мазмун-моҳияти, тамойил ва хусусиятлари ёритилган, республикамизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш омиллари ҳамда имкониятлари келтирилган, билимлар иқтисодиёти ҳамда инсон капиталини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрсатилган.

В статье освещены содержание, сущность, принципы и особенности цифровой экономики, проведены факторы и возможности формирования цифровой экономики в республике и показаны мероприятии по развитию экономики знаний и человеческого капитала.

The article highlights the content, essence, principles and features of the digital economy, identifies the factors and opportunities for the formation of the digital economy in the republic and shows the measures for the development of the knowledge economy and human capital.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий ислоҳотларни олиб боришда рақамли технологияларни ва билимларга асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдирганлар: "Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ҳамда шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади"[1].

Бозор муносабатларига ўтиш жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига ахборотлаштириш соҳасида эришилган сўнгги ютуқларни татбиқ этиш суръатларини ғоятда тезлаштириб юборди. Ахборот тизимлари ва технологиялари йилдан-йилга кишилик фаолиятининг турли соҳаларида янада кенг қўлланилиб борилмоқда. Уларни лойиҳалаштириш, яратиш, ишга тушириш ҳамда кенг қўллашдан мақсад – жамият ва инсон бутун ҳаёт фаолиятини ахборотлаштириш борасидаги муаммоларини ҳал этишдир. Ҳозирги кунда интеллектуал ғоя ва инновацияларни бошқариш кенг тарқалган ҳамда жамоатчилик томонидан тан олинган заруратдир.

Корхоналарда мутахассислар бизнес жараёнларни моддий ресурсларни бошқаришни автоматлаштиришни тугатгандан сўнг, номоддий ресурсларни ҳам бошқаришни автоматлаштириш лозимлигига амин бў-

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, ахборот, янги ғоялар, билимлар иқтисодиёти, инсон капитали, инновациялар, интеллектуал салоҳият, инсон капиталини ривожлантириш чора-тадбирлари.

лишди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги йилларда ахборотлашган жамиятга ўтиш, рақамли иқтисодиёт, билимлар иқтисодиёти сингари тушунчаларни изоҳлайдиган илмий ишлар ва ўрганадиган кўплаб илмий тадқиқотлар пайдо бўлди. Биринчи навбатда, билимларни яратиш ва улардан самарали фойдаланишга бағишланган илмий ишларини қайд этиш лозим [2]. Билимларга асосланган иқтисодиётга бевосита тааллуқли бўлмаган айрим илмий манбалар интеллектуал капитал ва билимлар менежменти назариясининг у ёки бу жиҳатларини ишлаб чиқмоқда [3]. А.А. Динкин, Н.И. Иванова [4], С.М. Климов [5]нинг ишлари ушбу мавзудаги дастлабки тадқиқотлар сарасига киради.

Жисмоний меҳнатни илм, маърифат, рақамли ахборот билан алмаштириш меҳнат фаолиятини ижодкорлик, инновациялар, ғояларни ишлаб чиқиш бўйича янги фаоллик турига ўзгартириш мумкинлиги ҳақида гапиришга асос бўлади. Замонавий, интеллектуал иқтисодиёт сари ривожланиш, рақамли иқтисодиётни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, кўплаб омилларга боғлиқ ҳамда уларнинг илмий таҳлили рақамли иқтисодиётни оқилона бошқариш, шунингдек, тартибга солиш имконини беради.

Иқтисодиётда барча мавжуд ресурслар чекланган деб қаралади, чунки, жамият миқёсида (худди шунингдек бир индивид ёки оила миқёсида) ҳар бир конкрет даврда инсонларнинг эҳтиёжлари миқдори доимо иқтисодиётнинг имкониятларидан юқори бўлади. Бошқача қилиб айтганда, хоҳиш ва имкониятлар орасида фарқ бўлиб, эҳтиёжлар имкониятлардан ортиқча бўлади. Аммо, бу фарқ нисбий маънога эга, яъни ресурслар танқислиги уларнинг миқдори ўзгармаслигидан далолат бермайди, бу ресурсларни ошириш учун қўшимча вақт керак бўлади, аммо, бу даврга келиб эҳтиёжлар имкониятларга нисбатан янада устувор ўсган бўлади. Агар жамият ресурслари чекланмаганда эди, унда иқтисодиёт фани керак бўлмас эди, чунки, ресурслар танқислиги уларни самарали тақсимлаш, самарали қўллашни, тежашни тақозо этади. Тарихий ривожланиш натижасида иқтисодиёт фанининг мақсад ва вазифалари ўзгариб борди: дастлаб инсонларнинг ҳаётий зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва буюмларга бўлган эҳтиёжини қондириш устувор аҳамиятга, кейинчалик аҳолининг хизматларга бўлган талаби устувор ва ниҳоят ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб инсониятнинг илм, маърифат ва ахборотга бўлган талабини қондиришнинг аҳамияти биринчи ўринга қўйила бошлади. Рақамли иқтисодиёт кўп қиррали фаолият бўлиб, унда илм-маърифат, рақамли ахборот ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қўлланилади, зарурий фаолият майдони тариқасида замонавий ахборот тармоғи иқтисодиёт структурасини оптималлаштириш ва унумдорликни оширишнинг етакчи омили тариқасида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилади.

Рақамли иқтисодиётнинг характерли белгилари шундан иборатки, бу иқтисодиётда асосий ресурс бўлиб анъанавий ресурслар (капитал, меҳнат, ер ва бошқалар) эмас балки илм, маърифат билан суғорилган, илм сиғими юқори бўлган ахборот оқимлари ва уларнинг инновациялардаги кўриниши барқарор иқтисодий ўсиш омилига айланади. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий ўсишда моддий ресурслар эмас, балки номоддий ресурлар (ахборот, илм ва ихтиролар, инновациялар) устувор аҳамиятга эга бўлади. Моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришдан кўра илм сиғими юқори бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ортади.

Бу ёндашувга асосланган назария савол туғдириши мумкин, инсонлар бу иқтисодиётда моддий товарларни истеъмол қилмайдиларми, илм сиғими юқори бўлган товарларни истеъмол қилиб бўлмаслиги аниқ. Бунга жавоб шуки, албатта инсонларнинг фаровонлигини ошириш, барча моддий товарлар ва хизматларга бўлган талабини қондириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Бу эҳтиёжларни қондириш учун кетадиган ишлаб чиқариш харажатлари янги рақамли технологиялар ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳисобига пасаяди, рақамли иқтисодиётда янги иш ўринлари яратилади, миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ўзгаради, хом ашё ва қайта ишланмаган маҳсулотлар экспорти камаяди, республикамиз глобал жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари ортади.

Рақамли технологияга асосланган иқтисодиёт тўртта омил – ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, инновацияларни ривожлантириш, ишчи кучини сифатли ўзгартириш, иқтисодий юксалиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга таянади. Рақамли иқтисодиётда ахборот товарга айланади ва у алоҳида капиталдир. Рақамли ахборот ижтимоий товар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ҳар доим турли шаклдаги билимларга асосланган. Кодлаштирилган илмий билимлар янги давр илм-фани бошидан ўзининг амалий аҳамияти мафкурасида шаклланган. Инсоннинг "билим – бу куч"

деган ғояда ўз аксини топган ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартирадиган дунёда илм-фаннинг янги роли XVII асрдаёқ Фрэнсис Бэкон асарларида қайд этилган [6].

Иқтисодиёт фани инсонларнинг меҳнат фаолиятидаги иштирокини характерловчи қатор тушунчалар билан бойиди: ишчи кучи, меҳнат ресурслари, инсон ресурслари, инсон капитали, меҳнат потенциали ва ҳоказо. Улардан инсон капитали тушунчаси анча кенг маъно касб этади – бу иқтисодиётни, жамиятни ва унинг бошланғич ячейкаси оилани интенсив ривожлантирувчи, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида интеллектуал бошқариш қобилиятига эга бўлган асосий кучдир.

Инсон капитали – бу инсонда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар захираси бўлиб, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижроия органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи омилдир [7].

Билимлар уни яратган инсондан ажралган ҳолда, капитал ва ишчи кучини тўлдириб, ишлаб чиқаришнинг алоҳида мустақил омилига айланади, билимлар иқтисодиёти учта муҳим хусусиятга эга. Биринчиси, билимнинг маҳсулот сифатида дискретлиги. Аниқ билимлар яратилган ёки йўқ. Билим яримта ёки учдан бир қисми бўлиши мумкин эмас. Иккинчи хусусият, билимлардан бошқа ижтимоий бойликлар сингари, барчанинг истисносиз фойдаланишидан иборат. Учинчи хусусият, билим ахборот маҳсулотидир, ахборот эса ундан фойдаланиб бўлгач, оддий моддий маҳсулот каби ўзини йўқотмайди.

Жамоавий уйғунлашув ижтимоий ва иқтисодий секторлар соҳаларида интеграциялашув билан билимлар концентрациялашувига эришиш, оригинал ихтироларнинг намоён бўлишига ҳамда "илм орқали билим" тамойили қонуниятига кўра ривожланиб, инновация даражасига кўтарилишига шарт-шароит яратишдир. Бугунги кун, ҳаётий босқичлари инновация – билимларнинг тугал концентрациялашган интеграциялашувида, муаммонинг теран англаниши туфайли пайдо бўлган ғоядан бошланувчи илмий тадқиқот, соҳа илмий-техник кадрларининг фаол ҳамкорлиги маҳсули, янгиланишга асосланган тўкин ва фаровон ҳаёт, ижтимоий ва иқтисодий юксалишларни таъминловчи омил, яъни бозорда ўз ўрнини топган ихтиро эканлигини исботлади.

Бизнингча, замонавий рақамли технологиялар асосида билимлар иқтисодиётини ривожлантириш ва инсон капиталини тараққий эттириш учун мамалакатимизда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– билимларни яратиш, улардан фойдаланиш қобилиятини ошириш ва жаҳон майдонида кадрларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– янги билимларни жорий этишнинг ноанъанавий моделларидан (масалан, ресурслардан очиқ фойдаланиш, билимлар ҳамжамиятлари) фойдаланиш;

– билимларни жадал қўллайдиган тармоқларга ўтиш орқали юқори интеллектуал салоҳиятли кадрларни тайёрлашга эътиборни янада ошириш;

– рақамли технологиялар имкониятлари асосида давлат, бизнес ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорлик услубларини такомиллаштириш;

– анъанавий иқтисодиётдан билимларга асосланган иқтисодиётга ўтишда таълим, инновациялар, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга узоқ муддатли инвестициялар киритиш;

– инсон капиталининг асоси бўлган ички қобилият ва салоҳиятларнинг рўёбга чиқиш шарт-шароитларини яхшилаш, уларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

2. Нонака И., Такеучи Х. Компания – создатель знания. Зарождение и развитие инноваций в японских фирмах/ Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп – Бизнес», 2003.

3. Формирование общества, основанного на знаниях. Новые задачи высшей школы/ Пер. с англ. – М.: Из-во «Весь мир», 2003.

4. Инновационная экономика/под ред. Дынкина А.А. и Ивановой Н.И. – М.: Наука, 2001.

5. Климов С.М. Интеллектуальные ресурсы организации. СПб.: ИВЭСЭП, «Знание», 2002.

6. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли – Т.: "Фан ва технология", 2015 .

УЎТ: 338.45:67:336.64(575.1)

Туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлашнинг муҳим жиҳатлари
Важные аспекты подготовки специалистов в сфере туризма
Important aspects of training specialists in the field of tourism

Ойбек Жулибой ўғли
Самарқанд Давлат университети таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва уларга қўйилаётган талаблар ҳақида сўз юритилган. Шу билан бир қаторда туризм соҳасидаги кадрларда мавжуд бўлиши керак бўлган хусусиятлар ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш мақсадида бажарилган ишлар кўриб чиқилган.

В статье рассматривается вопрос подготовки специалистов в сфере туризма и требования к ним. Кроме того, рассмотрены особенности, которые должны присутствовать в квалификации персонала в сфере туризма, а также описана проделанная работа по обучению персонала в этой сфере.

The article discusses the training of specialists in the field of tourism and the requirements for them. In addition, the features that should be present in the staff qualification in the field of tourism and the work done to train staff in this area is also considered.

Туризм соҳаси тузилмаси тўғрисидаги маркетинг тадқиқотлари туристик хизматлар сифатига қўйиладиган талабларни аниқлашга ёрдам беради ва уларда таъкидланишича, туризм соҳасидаги касб-ҳунар таълими диверсификацияланган педагогик тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, замонавий шароитларда туризм ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ривожлантириш учун ниҳоятда муҳимдир. Ҳозирги вақтда туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг йирик, энг даромадли ва жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир.

Юртимизда туризм соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-қарори билан "Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш республика маркази" Давлат унитар корхонаси ташкил этилган. "ТСКТвМОРМ" ДУКнинг асосий вазифалари қуйидачига:

• туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи ходимлар, гид-екскурсоводлар, туризм корхоналари раҳбарлари учун ҳар йил семинар-тренинглар ўтказиш;

• белгиланган тартибда ўз туристик фирмаларини очмоқчи бўлган корхоналарга соҳавий консултация бериш;

• туризм бўйича фаолият кўрсатаётган ташкилотларни замонавий ўқув услублари ва дарсликлари билан ўқитишни таъминловчи материалларни ишлаб чиқиш;

• миллий анъана ва урф одатлар, янги туристик объектлар бўйича тавсияномалар ва ишланмалар ташкиллаштириш;

• гид-екскурсоводларнинг "Портфели" учун брошюралар, буклетлар, зарурий методик адабиётлар, экскурсион матнлар ишлаб чиқиш;

• йирик туристик компаниялар, меҳмонхоналар, ресторанлар, хорижий ҳамкорлар ва инвесторлар билан бирга амалий семинарлар ташкил қилиш;

• республика тарихий-маданий салоҳиятидан мак-

Калит сўзлар: туризм, мутахассислар, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, меҳнат бозори, малака ошириш, янгича ёндашув.

симал фойдаланган ҳолда маршрутлар ва экскурсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

• республика экскурсоводлари ва гид-таржимонлари банкини шакллантириш ва уни мунтазам янгилаб туриш;

• сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича дастурлар ва ишланмаларни яратиш ҳамда амалга татбиқ этиш;

• халқаро туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан фикр алмашиш ва маълумот олиш. [6]

Тез ўзгариб турувчи меҳнат бозори талабларини эътиборга олинган ҳолда 2020 йилниг 10 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида "Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги низом ишлаб чиқилди. Ушбу низомнинг мақсади сифатида юқори даражадаги касбий фаолиятни таъминлаш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникма ва қобилиятларни олиш ҳамда доимий янгилаш, касб стандартлари ва таълим дастурлари асосида касбий маҳоратни тизимли ривожлантиришга кўмаклашиш келтирилган. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг вазифалари сифатида эса қуйидагилар белгиланган:

• функционал мажбурият ва ваколатларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган даражада мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, уларнинг билим, кўникма ва қобилиятларини узлуксиз янгилаш механизмларини жорий қилиш;

• миллий иқтисодиёт, туризм соҳаси, ҳудудлардаги ва умуман республикадаги ҳақиқий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими таркибини оптималлаштириш;

• қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг бевосита ҳамда билвосита шаклларини амалиётга жорий этиш ва уларнинг натижаларини мониторинг қилиш;

• туризм бозори ривожланишининг ҳозирги йўналишларини эътиборга олган ҳолда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ўқув-услубий, ахборот ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва уни такомиллаштириш;

• қайта тайёрлаш ва малака ошириш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

• қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг янада ривожланиши ҳамда модернизациясини таъминлаш [1].

Энг ривожланган мамлакатларда туризм ривожланишининг маркетинг таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда у нафақат жаҳон иқтисодиётидаги энг йирик, балки энг динамик соҳага айланди. 1987 йилдан ҳозирги кунгача унинг йиллик ўсиш суръати ўртача 14,8 фоизни ташкил этди, бошқа тармоқларда эса 8,8 фоизни ташкил этди. Сўнгги ўн йилликларда туристик хизматларга истеъмолчиларнинг доимий равишда юқори талаблари мавжуд бўлиб, улар умумий иқтисодий вазиятдаги ноқулай ўзгаришларга етарлича чидамли. Башоратли ҳисоб-китобларга кўра, туризм ривожланишининг юқори динамикаси уни келажакда жаҳон иқтисодий ривожланишини белгилайдиган тармоқлар тоифасига киритади [2].

Туристик маҳсулот сифатини унга бўлган эҳтиёжни қанчалик юқори даражада қондира олиш амалиёти кўрсатиб беради. Туристик маҳсулот сифати хизматларнинг сифати ва хизмат кўрсатиш маданияти билан тавсифланади. Туристик хизматлар сифатига қўйиладиган мажбурий талаблар:

– ҳаёт ва соғлиқ хавфсизлиги;

– келишувга мувофиқ хизматлар кўрсатиш кафолати;

– сайёҳлар ва диққатга сазовор жойлар мулклари хавфсизлиги;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Шу билан бирга, сифат мезонлари туристларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳар хил фаолият турларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, туризм соҳасида кўрсатиладиган хизматларнинг кўпчилиги ушбу соҳада ишлайдиган мутахассисларнинг билимлари ва турли даражадаги бошқарув кўникмаларининг универсаллигини ҳам талаб қилади: аниматордан тортиб меҳмонхона мажмуаси ёки транспорт компаниясининг бошлиғигача. Шунинг учун, туризм бизнеси ривожланиб борган сари, энг катта эҳтиёж, ҳеч бўлмаганда сўнгги ўн йилликда, туризм соҳаси учун иқтисодиёт ва менежмент бўйича мутахассисларни тайёрлашда пайдо бўлади.

Туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусияти қуйидагича:

– компания раҳбари етакчилик хусусиятлари, раҳбарлик турлари ва услубларини билиши керак;

– маълум ишбилармонлик ва шахсий (психофизик ва аҳлоқий) фазилатларга эга бўлиш;

– бошқарув функцияларидан фойдаланишни билиш (режалаштириш, танлаш, ўқитиш, назорат қилиш, ходимларни бошқариш ва бошқалар);

– қонунчилик базаси тўғрисидаги билимларни қўллаш. Менежер ва маркетолог туризм соҳасини яхши билиши ва тўғри ориентация ола билиши лозим;

– бозорни, туристик маҳсулотни ўтказиш тартибини билиши, одамлар билан ишлаши, ўзи ва бошқа одамларнинг ҳаракатларини баҳолай олиши керак [3].

Шундай қилиб, замонавий сайёҳлик соҳаси мутахассисига қўйиладиган талаблар, аввалambор, юқори профессионаллик ва малакани талаб қилади. Баъзида назариётчи ва амалиётчилар ушбу тушунчаларни турлича қабул қилишади. Бир ҳолатда у юқори малакали мутахассис, бошқасида у яхши ташкилотчи. Ҳар доим биринчи ўринда мустақиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, ижодий фикрлаш, оқилона таваккал қилишга тайёрлик қўйилади. Қўшимча равишда – раҳбарнинг касбий фазилатлари билан бир қаторда, ўзига ва бошқаларга нисбатан қатъийлиги, юқори даражадаги умумий ҳамда бошқарув маданияти бўлиши лозим.

Туризм соҳасида менежмент ишини ташкил этиш, раҳбарни ўзига хос хусусиятларни шакллантиришга ундайди ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– мослашувчан мобиллик – фаолиятнинг ижодий шаклларига мойиллик, билимнинг чуқурлиги, ташаббускорлик, сифатли ўзгаришларга интилиш, янгиликларга интилиш ва ҳ.к.;

– алоқа – мулоқотга киришиш, одамларга қизиқиш, одамларни ўзига жалб қилиш қобилияти, зиддиятли вазиятни ҳал қилиш қобилияти;

– стрессга чидамлилик – муаммоли вазиятларда интеллектуал ва ҳиссий хавфсизлик;

– динамизм – амбиция, етакчиликка интилиш [4].

Келажакдаги амалга ошиши мумкин бўлган сценарийлардан қатъи назар туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш жиҳатидан муқаррар тенденциялар мавжуд. Жумладан:

– университетлар ва хусусан, туризм университетлари ўртасида глобал рақобатнинг кучайиши, ўзларининг таълим маҳсулотларини бошқаларникидан қайсидир жиҳатлардан ажралиб туришини ва янада рақобатбардош бўлишини талаб этади;

– рақамли инқилоб ва глобаллашув анъанавий меҳнат бозорлари ва бандликка янада кучли таъсир қилади;

– рақамли инқилоб малакали кадрлар тайёрлаш услубини ҳам ўзгартириши мумкин [5].

Шундай қилиб, яқин бир неча ўн йилликларда туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш жараёни кўплаб муаммога дуч келиши мумкин. Шу жумладан, малака талаблари тез ўзгариб турувчи меҳнат бозорида рақобатбардош ҳамда рақамли инқилобларга тезда мослашувчи кадрларни етиштириш жиҳатдан янгича ёндашувлар талаб этилади. Бунда кўпроқ аралаш ўқитиш услублари, назария ва амалиётни чамбарчас боғлаш ва кадрлар тайёрлаш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида кадрлар салоҳияти муҳим роль ўйнайди. Шу сабабдан туризм секторида ҳам малакали мутахассислар тайёрлаш давлатимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланган сабабли, бу соҳада тез ўзгариб борувчи меҳнат бозори талабларини қондириш учун керакли чора-тадбирлар кўрилган. Туристик маҳсулот сифат меъзонларини кўриб чиқилганида, унда бу соҳада иш юритувчи кадрлар салоҳияти қанчалик муҳим эканлиги намоён бўлди. Шу сабабли, уларга керакли бўлган малака ва кўникмаларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилди. Шу билан бир қаторда глобаллашув жараёнларида рақобатбардош кадр бўла олиш учун рақамли инқилобга тайёр бўлиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 10 июлдаги қарори.: https://lex.uz/ru/docs/-4930291#-4936706

2. Ердавлетов С.Р., Артемьев А.М., Айжолова Г.Р. Актуальные проблемы формирования современной индустрии туризма. // Экономика Евразии: материалы международной научно-практической конференции. - Алматы, 2012 г.

3. Полевая М.В. Особенности подготовки кадров для индустрии туризма: отечественный и зарубежный опыт. - М.: ООО «Технологии стратегического менеджмента», 2009 г.

4. Кораблев В.А. Проблемы качества туристского образования и кадрового обеспечения индустрии туризма. «Современное образование», 2009 г., № 1, с. 22-23.

5. Ipak Yo'li Turizm Xalqaro Universiteti 2020-2025-yillarga mo'ljallangan rivojlantirish strategiyasi. - 27 b.

6. https://uzbektourism.uz/uz/newnews/gup?id=2

УЎТ: 657.5

Қишлоқ ҳўжалик корхоналарида даромадлар ва харажатларнинг стратегик бошқарув таҳлилини ташкил этиш
Организация стратегического управленческого анализа доходов и расходов на сельскохозяйственных предприятиях
Organization of strategic management analysis of income and expenses in agricultural enterprises

Каржаубай НУРМАНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада даромадлар ва харажатларнинг стратегик бошқарув таҳлилини ташкил этишнинг илгор усуллари тадқиқ этилган бўлиб, улардан қишлоқ ҳўжалик корхоналари фаолиятида самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилган.

В статье рассматриваются современные методы организации стратегического управленческого анализа доходов и расходов. В ней даются научно-практические рекомендации по их эффективному использованию на сельскохозяйственных предприятиях.

The article discusses modern methods of organizing strategic management analysis of income and expenses. It provides scientific and practical recommendations for its effective use in agricultural enterprises.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га 1945 йилда асос солинган бўлиб, унга дунёнинг 194 та давлати аъзо бўлиб кирган. Ўзбекистон мазкур ташкилотга 2001 йилда аъзо бўлган бўлиб, 2014 йилда Тошкентда унинг ваколатхонаси очилди.

2022 йилгача бўлган ҳаракатлар режасини белгилаб берган Ҳадли дастур доирасида ФАО Ўзбекистон ҳукумати билан келишилган учта устувор йўналишни қўллаб-қувватлаб келади, булар: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа давлат идораларини институционал ва стратегик қўллаб-қувватлаш; қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат занжирини ривожлантириш, бозорга кириш; табиий ресурсларни барқарор бошқариш, иқлим ўзгариши ва биохилма-хиллик.

ФАО ва Ўзбекистон ўртасида 2021-2025 йилларга мўлжалланган мамлакатлараро Ҳадли битимнинг асосий бандлари муҳокама қилинди [1].

Ўзбекистонда лойиҳа бошқарувидаги янгича ёндашувни ривожлантириш мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 24 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа Бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан бошлаб берилди ҳамда Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил этилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мавжуд механизмини чуқур таҳлил этиш асосида қабул қилинган мазкур фармонда амалдаги механизмнинг таҳлил этилиши натижалари қуйидаги қатор тўсқинлик қилувчи омиллар мавжудлигини кўрсатди:

– лойиҳа бошқаруви (ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, мониторинг ва назорат қилиш)да

Калит сўзлар: стратегик бошқарув таҳлили, даромадлар ва харажатлар, GETS таҳлил, SWOT таҳлил, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги;

– лойиҳалар жараёни ва уларни амалга оширилишини онлайн тартибда кузатиш имконини берувчи ахборот-коммуникация технологияларининг лойиҳа бошқаруви жараёнига етарли даражада татбиқ этилмаганлиги [2].

Ҳозирги кунга келиб дунёнинг энг долзарб муаммосига айланган коронавирус пандемияси ер юзи аҳолисининг ижтимоий-психологик ҳолатига салбий таъсир этиш билан бирга, уларнинг даромадларини кескин камайтиришни ва ишсизликнинг ошишини келтириб чиқармоқда ҳамда бутун иқтисодиётни инқирозли ҳолатларига дучор қилиш хавфини туғдирмоқда [3].

2014 йилнинг 28 май санасида Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС) қўмитаси "Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича тушум" ("Revenue from Contracts with Customers") номли 15-сонли МҲХС (IFRS) эълон қилди. Ушбу стандарт 2018 йилнинг 1 январидан кучга киритилган. 15-сонли МҲХС (IFRS) харидорлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча тушумларни ҳисобга олиш тартибини белгилайди. Шунга кўра, у харидорлар билан маҳсулот (товар) етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича шартнома тузаётган барча тармоқ корхоналари томонидан фойдаланилади. Бундан ташқари янги стандарт номолиявий актив (масалан, асосий воситалар)ни сотиш муомалаларини баҳолаш ҳамда ушбу жараёндан олинган фойда ва зарарларни тан олиш моделини ҳам назарда тутади [4].

Амалиётда қисқа муддатли даврни (одатда бир йилгача) ўз ичига олган истиқболли бошқарув таҳлили ахборотларидан фойдаланиш кенг тарқалган. Уни ўтказишдан мақсад хўжалик субъектларига тактик бошқарув қарорлари қабул қилишга имкон беради. Бироқ, стратегик бошқарув таҳлилини ташкил этиш жараёнида корхона узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган прогнозларга эҳтиёж сезади.

Шуни таъкидлаш зарурки, стратегик таҳлил ва узоқ муддатли қарорларни қабул қилиш корхона фаолиятини, шу жумладан, барча самарадорлик омилларини: техник-иқтисодий, ташкилий ҳамда бошқарув даражасини, ташқи иқтисодий алоқаларни ва шароитларни, шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг ижтимоий-табиий шароитларини ҳар томонлама ўрганишга асосланган бўлиши лозим. Стратегик бошқарув таҳлили корхонанинг муваффақиятли стратегиясини шакллантиришга йўналтирилган таҳлилий ахборотларни тақдим этиш орқали мавжуд вазиятни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Стратегик бошқарув таҳлили бозордаги рақобат муҳити таҳлилига ўхшаса-да, бироқ унинг қамрови кенгроқдир, у кўпроқ рентабелликни оширишга йўналтирилган чуқур ва аниқ дастурий мақсадга эга бўлиб, бу стратегияни ишлаб чиқиш учун муҳимдир. Шунингдек, таҳлилнинг бу тури ишлаб чиқариш харажатлари, сотиш, фойда, пул оқимлари ҳаракати, бошқарувнинг тузилиши ва услуби, фаолиятнинг стратегик муҳим йўналишлари ҳақида маълумотларга кўпроқ эътибор қаратади.

Хўжалик субъектининг солиқлар ва ижтимоий тўловларни тўлаш бўйича молиявий мажбуриятлари, шунингдек, қарзларнинг таркибий тузилишини ўрганиш стратегик бошқарув таҳлилининг муҳим объекти ҳисобланади.

Мазкур босқичда хўжалик субъектининг халқаро амалиётда тан олинган усуллар асосида инвестиция ресурслари ва пул оқимларини стратегик режалаштириш соҳасидаги имкониятлари аниқланиши керак, яъни инвестицияларни стратегик бизнес бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш, дивидендлар тўлаш, узоқ муддатли кредитларни жалб қилиш, бирлашиш ва бошқалар.

18-сонли "Тушум" номли Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартининг (МҲХС 18,7 банди) да: "Даромад деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида (масалан, тайёр маҳсулот сотишдан) олинадиган даромади тушунилади. Шунингдек, МҲХС 18,9-11га асосан: "Даромад барча савдо чегирмалари ва имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда олинган қарзнинг адолатли қиймати билан ўлчанади" – деб белгилаб қўйилган [5].

Корхонанинг сотишдан олинган тушумларини стратегик таҳлил қилишда унга таъсир этувчи омилларни ташқи ва ички муҳит даражасида ўрганиш лозим бўлади. Бунда омилларнинг иккита гуруҳига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

– тармоқдаги шарт-шароит ва рақобатнинг ҳолати;

– корхонанинг рақобатбардошлиги, унинг бозор сегментидаги эгаллаган ўрни, кучли ва заиф томонлари.

Корхонанинг ташқи муҳитдаги ҳолатини стратегик таҳлил қилиш маҳсулот ассортименти ва бозор сегментларини танлаш бўйича қарорлар қабул

қилиш билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, таҳлил натижаларига бозордаги юқори мавқега эга бўлган йирик ва кичик корхоналарнинг товар маҳсулотларининг ҳажми ва баҳолари ҳам таъсир кўрсатади.

Халқаро амалиётда замонавий стратегик таҳлил жараёнида GETS моделидан кенг фойдаланилади. Бунинг моҳияти тўртта омилнинг бирикмасидан ҳосил бўлган омиллар йиғиндисидан иборат: ҳукумат (government); иқтисод (economy); технология (technology); жамият (society).

Фикримизча, стратегик таҳлилни тўртта таҳлил тури бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– SWOT таҳлили;

– қиймат занжирини таҳлил қилиш;

– харажатларни стратегик таҳлил қилиш;

– корхонанинг рақобатдошлигини баҳолаш.

SWOT таҳлили корхона фаолиятининг тўртта томонини бир вақтнинг ўзида солиштиришга имкон берадиган матрицали (шахматли) усул бўлиб, унинг мазмуни қуйидагича изоҳланади: корхонанинг кучли томонлари (Strengths); корхонанинг заиф томонлари (Weaknesses); корхонанинг имкониятлари (Opportunities); корхонага таҳдидлар (Threats).

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги корхоналарида даромадлар ва харажатларнинг стратегик бошқарув таҳлилини замонавий усуллар ва ёндашувлар асосида ташкил этиш унинг бозордаги ўрни ҳамда мавқеини эгаллашига, баҳо ва харажатларни оптималлаштиришга, пировард натижада эса соф фойдани кўпайтиришга имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ва ФАО бош директори 2021 йилдаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб олишди. Т.: https://agro.uz/uz/news

2. Лойиҳа бошқарувини ривожлантириш. Т.: https://napm.uz/oz/activities

3. Тошқулов А.Ҳ. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсирини юмшатишда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" илмий электрон журнали. №3, май-июнь, 2020 йил. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/27_Toshkulov.pdf

4. Исманов И.Н., Муйдинов Э.Д. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида даромадни тан олишга янгича ёндашув. БМА Электрон журнали. http://journal.bfa.uz/maqola/BFA_maqola_5_son.pdf

5. Сравнительный анализ МСФО и РПБУ. –М.: 2012. www.kpmg.ru

УЎТ: 005.93:655

Пахта тозалаш корхонаси маркетинг стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари
Характеристики определяющих аспектов управления реализацией маркетинговой стратегии хлопкового предприятия
Characteristics of definitive aspect of management of implementation of marketing strategy of a cotton enterprise

Шерзод МАРДОНОВ,
“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ
мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада пахта тозалаш корхоналарининг келгусида ўсиш маркетинг стратегиясини амалга оширишни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини белгиловчи саноат хусусиятлари масаласи ўрганилган.

В статье исследуется вопрос об отраслевых характеристиках, определяющих специфику управления реализацией маркетинговой стратегии перспективного роста хлопкоочистительных заводов.

The article examines the issue of industry characteristics that determine the specifics of managing the implementation of the marketing strategy for the long-term growth of cotton ginning factories.

Стратегияни амалиётга татбиқ этиш биринчидан, пахта тозалаш корхонасининг ташқи ва ички муҳитлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тузиладиган мукаммал стратегияга, иккинчидан, стратегияни амалга ошириш механизмларининг такомиллашганлигига, хусусан, стратегияни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган восита, дастак, усул, матрицаларнинг замонавийлигига, учинчидан, уни амалга оширишда иштирок этувчиларнинг билим ҳамда малака даражасига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигини кўзда тутади. Маълумотлар шуни кўрсатадики, “стратегия” атамаси бизнес назарияси ва амалиётига ҳарбий сўзлардан кириб келган бўлиб, у қуйидаги маънони англатади: “барча мумкин бўлган мавжуд воситалардан фойдаланиб мамлакат ёки мамлакатлар ҳарбий-сиёсий иттифоқи сиёсатини режалаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш” [1].

“Стратегия” атамаси қадимги юнон сўзидан олинган бўлиб, “stratos” (армия) ва “agein” (олиб бориш) сўзидан келиб чиққан. Улар биргаликда “strategia” сўзини ёки “strategos” сўзини келтириб чиқариб, мос равишда “полк бошлиғи” ва “армия қўмондони” каби маъноларни англатади.

Бизнес соҳасида “стратегия” атамасидан фойдаланиш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган. Бошқарувда биринчи марта стратегия ҳақида Дж. Фон Нейман ва О. Моргенштернлар ўзларининг “Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат” китобида 1944 йилда эслатиб ўтишган.

Ф. Котлер “мақсадлар – ривожланиш йўналиш-

Калит сўзлар: маркетинг, маркетинг стратегияси, ривожланиш стратегияси, усул, бошқариш, хусусият.

лари бўлиб, улар маркетинг режасини ишлаб чиқиш жараёнида ифодаланади, стратегия эса уларга эришиш режасидир", деб ҳисоблайди [2]. Д.Ж.Скалли "маркетинг стратегияси – барқарор рақобатли устунликларни эгаллашга қаратилган ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлардир" деб ҳисоблайди [3]. Хоффер ва Шенделларнинг фикрича эса, "стратегия – бу корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва вазифалари ўртасидаги асосий алоқадир" [4].

Иқтисодчи олимларимиздан М.Р.Болтабоев маркетинг стратегиясининг таърифига узоқ муддатли мақсадларини ифодалаш ва мавжуд ресурсларини очилиётган имкониятлар билан таққослаб кўриш йўли билан ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш жараёни сифатида ёндашади [5].

Пахта тозлаш корхоналари ўсиш стратегиясини амалга ошириш тизимли-интегралашган бошқарув концепцияси ўзига хос таркибга ва пахта тозалаш корхоналари ўсишининг муҳим детерминант (омил)лари ҳаракатининг ажралиб турадиган белгиларини ҳисобга олишга таянади. Натижада, ушбу белгиларни инобатга олган ҳолда тегишли ўзига хос услубий қоидалар ва тамойиллардан фойдаланишни талаб этади.

Янги концепциянинг асосини жаҳон билим тизимида эътироф этилган замонавий стратегик бошқарув назариясида ҳукмрон бўлган қийматни бошқариш концепцияси ва баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими ташкил этади [6,7].

Пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга оширишни тизимли-интеграциялашган бошқаришнинг биз томондан таклиф этиладиган концепцияси унинг икки асосий хусусияти: тизимлилик ва интеграциялашувини намоён этади.

Бизнингча, пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга ошириш учун иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин бўлган замонавий ёндашувларни амалга оширишга ушбу иккита танланган бошқарув воситаси тўлиқ имкон беради.

Пахта тозалаш корхоналари иш фаолияти мавсумий характерга эга бўлиб, фаолият натижадорлиги тайёрланадиган пахта хом ашёси сифати ва уни сақлашга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шу боисдан, тармоқ корхоналари кўп материал талаб қиладиган тармоқлар сирасига кириб, маҳсулот ишлаб чиқариш умумий харажатлари таркибида материал харажатлари қарийб 85 фоизни ташкил этади. Шунинг учун пахта тозалаш корхоналари мавсумий шаклда пахта хомашёсини тайёрлашга эътиборини қаратган ҳолда уни харид қилишда ташқаридан кредит маблағларини жалб қилишга эҳтиёж сезади. Пахта тозалаш корхоналарининг хомашёни харид қилишида ўз маблағлари етишмаслиги оқибатида айланма маблағларнинг доимий равишда етишмаслиги кузатилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда пахта хомашёсини етиштириш миқдорини камайтириш борасида амалга ошираётган сиёсати ҳамда "пахта-тўқимачилик" кластерларини ташкил этилиши муносабати билан ҳаракатдаги фаолият юритаётган пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларида хомашё таъминоти масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳаракатдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларининг техник-технологик даражаси ҳам анча паст даражада бўлиб, асбоб-ускуналарнинг эскириш даражаси 40-45 фоизни ташкил этади. Шунинг учун инвестиция капитали, аввало, ҳаракатдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари ўз маблағларини тўлдиришга, шунингдек, қолган қисмини техник-технологик ҳолатини янгилашга йўналтирилиши лозим бўлади [8].

Шунга кўра, инвестиция капиталини қайтаришни яхшилаш учун пахта хомашёсидан самарали фойдаланишни тавсифловчи пахта толаси чиқиш кўрсаткичининг ошишига ҳамда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали уни сотишдан тушадиган пул маблағлари оқимининг тезлашишига ҳамда асосий капитал қўйилмалари ва инвестицияларни бошқаришга эътибор қаратиш лозим.

Шу боисдан, тармоқдаги юқори материал сиғими ва капитал рентабеллигининг нисбатан пастлиги ҳам ўсиш стратегиясини амалга оширишда қиймат яратишнинг юқори хавфини аниқлайди, унинг бошқаруви рентабеллик ва инвестициялар сифатига бўлган талабларни шакллантиришни талаб қилади.

Пахта тозалаш акциядорлик жамиятларида хомашё захираларининг етишмаслиги ва материал сиғимининг юқорилиги пахтачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибида муҳим хусусиятларни келтириб чиқаради, шунингдек, ушбу корхоналарда сўнгги йилларда ёқилғи-энергия харажатларининг улуши ҳам ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан менежментнинг эътиборини энергияни тежаш ва энергия самарадорлигига ҳам қаратиш лозим.

Пахта тозалаш акциядорлик жамиятларида кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни ва пахтачилик маҳсулотларининг белгиланган ўзига хос хусусиятлари 1-чизмада кўрсатилган ҳажми, тузилиши, таннархи ва инвестицияланган капитални қайтаришни бошқаришнинг асосий жиҳатларини акс эттирувчи пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга оширишнинг қуйидаги хусусиятларини белгилайди.

Пахта тозалаш корхонаси ўсиш стратегиясини амалга ошириш тизимли-интеграциялашган бошқаришнинг таклиф этилган концепцияси пахта тозалаш корхонаси бошқарув тизимида шу ном билан иқтисодий механизмни амалга ошириш бўйича услубий қоидаларни янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу концепциянинг хусусиятлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим: салоҳиятли кўрсаткичлардан фойдаланиш, фундаментал қийматга эътибор, иқтисодий ўсиш, инвестицион салоҳият ва корхонанинг қиймати ўртасидаги муносабатларни аниқлаш ва расмийлаштириш, ўсиш стратегиясини амалга оширишга муайян саноат хусусиятларини белгилайдиган пахта тозалаш хусусиятларини аниқлаш ва умумлаштириш.



1-чизма. Пахта тозалаш корхонаси маркетинг стратегиясини амалга оширишни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи саноат хусусиятлари (муаллиф ишланмаси).

Келтирилган концепция иқтисодий ўсишнинг дивергенция (ҳар хиллик) ва таянч детерминантлар балансини таъминлаш орқали пахта тозалаш корхонаси қиймати ўсиши муаммоларини ҳал этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.:Экономика, 2001 г. -239 с.

2. Основы маркетинга / Филип Котлер и др.; Гл. ред. С.Н. Тригуб; Пер. с англ. 4-е европ. изд. – М. [и др.]: «Вильямс», 2007 г. – 332 с.

3. Инновационный менеджмент: учебник / Под ред. Проф. А.И.Чулока. – М.: УРАО, 2000 г. – 534 с.

4. Hoffer C.W. and Shendel D. Strategy Formulation: Analytical Concepts. St. Paul, MN: West Publishing Company, 1978.

5. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004 г. – 223 б.

6. Друкер П.Ф. Управление, нацеленное на результаты: пер. с англ. - М.: Прогресс, 2002 г. - 199 с.

7. Мескон М.Х., Альберт М. Хедоури Ф. Основы менеджмента / пер. с англ. О.И. Медведь. 3-е изд. - М.: Вильямс, 2007 г. - 664 с.

8. Исаев Р.А. ва бошқалар. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режа: дарслик (I ва II қисм). –Т.: Тафаккур, 2011 й. – 440 б.

УЎТ: 005.93:655

Тўқимачилик корхоналарида маркетинг натижадорлигини бошқаришнинг хусусиятлари
Особенности управления результативностью маркетинга текстильных предприятий
Features of marketing efficiency management in textile enterprises

Музаффаржон АКБАРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада тўқимачилик корхоналарида маркетинг натижадорлигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг корхона маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишдаги ўрни ўрганилган.

В данной статье исследованы специфические особенности управления результативностью маркетинга на текстильных предприятиях и его роль в повышении эффективности маркетинговой деятельности предприятия.

The article explores the specifics of marketing effectiveness management in textile enterprises and its role in improving the efficiency of enterprise marketing activities.

Маркетинг самарадорлигини баҳолаш қийин вазифа ҳисобланади, чунки, маркетинг фаолияти орқали олинадиган самарани ҳар доим ҳам миқдорий баҳолаш мумкин эмас.

Компаниялар маркетинг тадбирлари ташкил этишга кўп пул, вақт ҳамда инсон ресурсларини сарфлашмоқда. Албатта, уларнинг ҳар бири маркетинг фаолиятига қўйилган пул қандай "ишлаб чиқарилганлигини", корхонанинг ҳаракатлари натижасида қанча янги мижозлар жалб қилинганлигини, қандай ҳисса қўшганлигини ва ҳоказоларни билишни истайди. Зеро, маркетинг бюджетининг аксарият қисми маркетинг фаолиятини ривожлантириш босқичида бекорга сарфланади. Бунинг ўз сабаблари мавжуд бўлиб, унинг асосийлари қуйидагилардир: маркетологларнинг кўникмаси, малакаси ва билим даражасининг пастлиги; бюджет чекловлар ва ҳоказо.

Маркетинг натижадорлигини қандай сабабларга кўра баҳоланиши зарурлигини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, маркетинг бозор ҳолатини ҳар томондан таҳлил қилади ва шунинг учун рақобат афзалликларини сақлаб қолиш учун асос яратади: ишлаб чиқарувчилар қайси бирининг маҳсулотлари энг юқори сифатга ва паст нархга эга; шунга ўхшаш маҳсулотлар учун бозор нархларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот нархи қандай бўлиши керак; рақобатчилар томонидан қандай реклама воситаларидан фойдаланилади; қайси маҳсулот тури харидорларнинг энг юқори талабига эга ва ҳоказо.

Иккинчидан, маркетинг мижозларнинг барча маълумотларини таҳлил қилади ҳамда унинг натижалари асосида стратегияни шакллантириш мумкин: қандай қилиб компания ўз маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини янада ривожлантириши мумкин; қайси маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш лозим ва қайси маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш керак; қандай вақтда маҳсулот яхши сотилади; бозорда мавжуд маҳсулотларни қандай яхшилаш мумкин; истеъмолчи учун сотиб олиш қарорига қандай омиллар таъсир қилиши мумкин ва ҳоказо.

Учинчидан, маркетинг товар тарқатишнинг савдо занжирини бир бутунлигича сақлайди, шу боисдан, савдони муқобиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса-

Калит сўзлар: маркетинг, маркетинг натижадорлиги, бошқариш, тўқимачилик корхонаси.

ларни чиқариш мумкин: қандай қилиб воситачиларни кўпроқ сотишга ундаш; қайси савдо нуқталари харидор учун энг қулай ва нима учун; нима яратиш ва маҳсулотни қадоқлашни қандай ўзгартириш керак; маҳсулот учун етказиб бериш жадвалини қандай белгилаш даркор ва ҳоказо [1].

Натижада, ташкилотнинг маркетинг фаолиятини ташкил этиш катта миқдорда пул маблағларини талаб қилади. Маркетинг фаолиятини баҳолаш натижасида эса компания ўз мақсадларига эришганлиги ёки эришмаганлигини билиб олиш талаб этилади.

Маркетингнинг натижадорлигини аниқлашдан олдин, натижадорлик ва самарадорлик тушунчалари ўртасидаги фарқни аниқлаш лозим. Натижадорлик ва самарадорликнинг моҳиятини аниқлаш учун бу борадаги иқтисодий адабиётларни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда бу тушунчаларнинг аниқ изоҳи йўқ. П. Друкер нуқтаи назаридан "самарадорлик" ва "натижадорлик" таърифларини кўриб чиқайлик: самарадорлик "тўғри нарса"ни қилишни, "натижадорлик" "Ҳа шунақа" иш қил" маъносини англатади. П.Друкернинг бу тушунчалари энг мақбул қисқа тушунтириш саналади [2].

Маркетинг фаолияти натижадорлигини бошқариш – маркетинг тизимининг жуда кўп меҳнат ва вақт талаб қиладиган таркибий қисмидир. Маркетинг самарадорлиги ва натижадорлиги ўртасидаги фарқни айтиш мумкин. Маркетинг самарадорлиги унинг ютуғини тез-тез баҳолашни талаб қилади, чунки, маркетинг натижадорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улардан асосийси стратегик натижаларга, жумладан, қиймат яратиш тушунчасига қаратилади. Бундан ташқари, ҳамкорлик муносабатлари маркетинги ва мижозларга йўналтирилган маркетинг мавжуд. Маркетинг натижадорлигини бошқариш биринчи навбатда кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини баҳолаш билан боғлиқдир. Шундай қилиб, маркетинг натижадорлигини бошқариш усули молиявий ва ноиқтисодий кўрсаткичларнинг ягона тизимига асосланиши лозим. Сифат жиҳатдан баҳоланиши мумкин бўлган омиллар ва миқдорий омилларни тизимлаштириш ва умумлаштириш зарур бўлади [3].

Натижадорлик (effectiveness) – исталган натижаларга, мақсадларга эришиш усули ва нархга эътибор бермасдан эришиш, яъни тўғри иш қилишдир. Самарадорлик (тежамкорлик, efficiency) – ресурсларнинг жуда тежамли сарфланиши, ресурс харажатларига эътибор қаратган ҳолда мақсадга эришишда тўғри иш қилиш демакдир.

Маркетинг натижадорлиги кўрсаткичининг моҳияти хориж олимлари томонидан кенг миқёсда ўрганилган. Хусусан, А.И. Ковалев ўз мақоласида натижадорликни "сиёсатни амалга ошириш ва сифатли мақсадларга эришиш даражаси, шу жумладан, режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш ҳамда режалаштирилган натижаларга эришиш орқали истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва истиқболларини қондириш даражаси", – деб таърифлайди [4].

Брендинг натижадорлиги бўйича ўз ишида О.Н. Алканова ушбу концепцияни бренднинг бозордаги фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичларнинг мақсадли қийматларига эришиш даражаси сифатида тавсифлайди [5].

О.В. Китованинг тадқиқотларида маркетинг натижадорлигини "ресурслардан муқобил фойдаланиш шароитида маркетинг соҳасида мақсадларга энг самарали тарзда эришиш фаолияти", – сифатида тавсифланади. Шунингдек, у маркетинг фаолиятини бошқариш "ўлчанадиган стратегик мақсадлар, ташаббуслар ва асосий ишлаш кўрсаткичлари тизими шаклида маркетинг стратегиясини шакллантириш"ни ўз ичига олиши кераклигини ёзади [6].

Маркетинг натижадорлигини бошқариш услубиётини ишлаб чиқиш зарурлигини белгиловчи омилларни аниқлаш учун маркетинг тадқиқотлари асосида республикамиз барча вилоятларида жойлашган 54 та тўқимачилик корхонасини ўрганиш амалга оширилди. Ушбу "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси таркибига кирувчи тўқимачилик корхоналари асосан йигирув корхоналари, шунингдек, йигирув-тўқув, тикув-трикотаж корхоналари саналади. Маркетинг тадқиқоти анкета-сўров усули ёрдамида амалга оширилди. Респондентлар сифатида уюшманинг етакчи мутахассислари, корхонанинг раҳбарлари ва бўлим бошлиқлари иштирок этишди. Олинган натижалар асосида тўқимачилик корхоналари маркетинг натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари танланди, ушбу кўрсаткичларнинг муҳимлик даражаси аниқланди ҳамда корхоналарнинг бизнес йўналишини аниқлаш учун кластер таҳлилидан фойдаланилди.

Тўқимачилик корхоналарида маркетинг натижадорлигини бошқаришда балансланштирилган кўрсаткичлар тизимини қўллаш учун бизнес-муҳитнинг шаклини ўзгартириш зарурати туғилади. Шунинг учун биз, тўқимачилик корхоналарининг вазифалари ва мақсадларини амалга ошириш вариантларини умумлаштириб, учта бизнес йўналишини ажратиб кўрсатишимиз мумкин: "Product out" ("маҳсулотни бозорга киритиш"), "Market in" ("маҳсулотни бозорга жалб қилиш") ва "Invest in" ("инвестицияларни жалб қилиш").

"Product out" бизнес йўналиши доирасида маркетингдан сотувни юритиш ва рағбатлантириш воситаси сифатида фойдаланилади [7].

"Market in" ёки "бозор томонидан товарлар жалб

қилиниши" бизнес йўналишини қўллашда маркетинг воситалари ёрдамида корхона фаолиятини ташкил этишда шундай шароит яратиладики, бунда истеъмолчи оддий ҳар қандай товарни эмас, балки айнан шу корхона ёки фирма ёхуд маълум марка товарни сотиб олиши ҳақида аниқ вақтда қарор қабул қилиши рўй беради.

"Invest in" ёки "ташқи бизнес муҳитидан инвестицияларни жалб қилиш" бизнес йўналиши бизнес капитализацияси ўсишининг бозор омиллари асосида инвестициявий жозибадорликни яратиш бўйича тўқимачилик корхонаси фаолиятини ташкил этишдир. Маркетингдан фойдаланиш содиқ истеъмолчиларни шакллантириш, барқарорлаштириш ва бизнес даромадларини ошириш имконини беради [8].

Тадқиқот жараёнида эксперт йўли билан аниқланган тўқимачилик корхонасининг 30 та энг муҳим мақсадини аниқлаш таклиф этилди. Экспертлар сифатида "Willing textile" масъулияти чекланган жамиятнинг бўлим ва бўлинмалари раҳбарлари иштирок этишди. Натижалар асосида ушбу корхона учун "устувор мақсадлар" матрицаси қурилди (1-жадвал).

Шундай қилиб, "Willing textile" масъулияти чекланган жамият тўқимачилик корхонаси бизнес йўналиши – "Product out" саналади.

Умумлаштириб шуни айтиш мумкин-ки, маркетинг фаолияти баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими стратегик ва тезкор режалаштириш жараёнларини тизимлаштириш имконини беради, тўқимачилик корхонаси раҳбариятига маркетинг тизими фаол ишлаши ҳақида тўлиқ маълумот беради, стратегияни амалга ошириш барча иштирокчиларига стратегик мақсадларининг моҳиятини тушунарли тарзда очиб беради, мавжуд корхонанинг йирик ахборот тизимидан иштирокчилар учун зарурий тушунарли ахборотларни ажратиб беришни таъминлайди. Тезкор тактик мақсадларни амалга ошириш орқали тўқимачилик корхонаси аста-секин белгиланган стратегик мақсадлари томон ҳаракат қилади.

1-жадвал.

"Willing textile" МЧЖ учун "устувор мақсадлар"* матрицаси

*Product out	Market in	Invest in
1	2	3
Маҳсулот: * Савдода янги маҳсулотлар улушини ошириш; *Сифат даражасини яхшилаш; *Юқори даромад келтирадиган маҳсулотлар улушини ошириш; *Ишлаб чиқарилган товарлар таннархини пасайтириш; * Ассортиментлар сонини кўпайтириш; *Фойда миқдорини ошириш; *Савдо ҳажмини ошириш; *Савдо рентабеллигини ошириш; *Экспорт ҳажмини ошириш.	Номоддий активлар (НМА): *Корхонанинг номоддий актив қийматини ошириш; *НМА ҳажмини ошириш; *НМА рентабеллигини ошириш; * Товар қийматини ошириш; *номоддий активлар ликвидлигини ошириш.	Бизнес қиймати: *Товар қиймати кўрсаткичларини ошириш; *Бизнес айланмасини тезлаштириш; *Умумий бозор улушини ошириш; *Соф актив қийматини ошириш; *Ички даромад меъёри тезлигини ошириш; *Ажратмалардан олдинги даромад ошириш; *Бизнеснинг соф даромадини ошириш; *Бизнес соф ҳозирги қийматини ошириш; *Бизнесни ривожлантириш салоҳияти индексини ошириш; *Ҳар ходимга тўғри келувчи самарадорликни ошириш.
Ҳаракатлантириш: *Бренд танилишини таъминлаш; *Рағбатлантирувчи лойиҳалар ва тадбирлар сонини кўпайтириш; *Реклама корхоналари сонини ошириш; *Битимлар сонини ошириш; *Харидорга янги маҳсулотлар пайдо бўлиши ҳақида маълумот етказиш.	Фаолият самарадорлиги: *Маркетинг бўлими учун молиялаштириш ҳажмини ошириш; *Тарқатиш каналларини молиялаштириш; *Янги маҳсулотлар улушини ошириш (корхона "инновационлик" даражаси); *Маркетинг хизмати аналитик хизмати фаолиятини такомиллаштириш; *Сотиш хизматининг натижадорлик кўрсаткичларини яхшилаш; *Буюртмани қайта ишлаш вақтини камайтириш; *Сотиш самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш.	Персонал: *Олий маълумотли ходимлар ҳамда малака ошириш курсларини ўтаганлар сонини ошириш; *Корхонанинг стратегик ривожланишига бағишланган семинарларида қатнашадиган ходимлар сонини ошириш; *Таянч ходимларнинг истеъфога чиқиш сонини камайтириш; *Корхона стратегияси ҳақида хабардор ходимлари сонини ошириш; *Маркетинг ходимлари компетентлигининг талаб даражасига мувофиқлик даражасини ошириш; *Маркетинг хизмати ходимларининг қониқиш индексини ошириш.

Тарқатиш: *Тарқатиш каналлари сонини ошириш; *Назорат савдо фоизини ошириш; *Асосий савдо ҳудудларининг бозор сиғимини кенгайтириш; *Савдо ҳудудларини кўпайтириш; *Чет эл савдо бозорларини ошириш; *Бозор улуши ўзгаришининг ижобий динамикаси.	Капиталлаштириш кўрсаткичлари: *Капиталлаштириш ставкасини ошириш; * Капитализация нисбатини ошириш; *Акцияларнинг фойдадорлигини ошириш; *Корхонанинг бозор қийматини ошириш; *Соф фойдани ошириш; *Капитал рентабеллигини ошириш.	Инвестиция жозибадорлиги: *Қўшилган иқтисодий қийматни ошириш; *Оддий акциялар шаклида акциядорлик капитали даромадини ошириш; *Бир акцияга тўғри келувчи дивидендларни ошириш; *Дивидендлар бўйича акциялар даромадлилиги коэффициентини ошириш; *Корхонанинг бозор қийматини ошириш.
Мижозлар билан алоқалар: *Янги мижозларни жалб қилиш; *Мунтазам мижозлар улушини ошириш; *"Содиқ" мижозлар сонини ошириш; *Мамнун мижозлар фоизини ошириш *Мижозларни сақлаш даражасини ошириш; *Шикоятлар улушини камайтириш.	Рақобатбардошлик: * Бозор улушини ошириш; *Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш; *Ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш; *Жами ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт қилинадиган маҳсулотлар улушини ошириш; *Товарлар (хизматлар) учун тегишли нархларни белгилаш; *Маҳсулот (хизмат) сифатини яхшилаш; *Ушбу тармоқдаги рақобатчилар сонини ва улар ҳаракатини назорат қилиш.	Молиявий ҳолат: *Корхонанинг соф фойдасини ошириш; *Капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; *Қисқа муддатли молиявий инвестициялар; *Ўз капитали миқдорини ошириш; *Пул маблағларини кўпайтириш; *Корнонанинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини ошириш; *Корнона активларини кенгайтириш.

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ойнер О.К. Стратегическое планирование и маркетинг. Екатеринбург: Феникс, 2000 г.
2. Друкер П.Ф. Управление, нацеленное на результаты: пер. с англ. М.: Прогресс, 1992 г. 199 с.
3. Drucker P,Management: Tasks, Responsibilitices, Practices. New York: Harper & Row.1973. PP. 64-65.
4. Ковалев А.И. О результативности в свете эффективности // Методы менеджмента качества. 2007 г. № 9. С. 36–39.
5. Алканова О.Н. Оценка результативности брендинга товаров услуг на потребительских рынках: интегральный подход // Новые тенденции в экономике и управлении организацией: материалы XI Междунар. науч.-практ. конф. / Уральский федеральный университет. Екатеринбург: УрФУ, 2012 г. – С.14-15.
6. Китова О.В. Концепции и информационная инфраструктура обеспечения управления результативностью маркетинга (теория и методология): ав-тореф. дис. ... д-ра экон. наук. СПб., 2012 г. 40 с.
7. Гайдаенко Т.А. Маркетинговое управление: полный курс MBA. М.: Эксмо, 2008 г. 512 с.
8. Ассель Г. Маркетинг: принципы и стратегия. М.: Инфра-М, 2001 г. – 800 с.

УЎТ: 005.93:655

Тўқимачилик корхоналарида балансланштирилган кўрсаткичлар тизимини қўллаш орқали фаолият самарадорлигини бошқариш

Управление эффективностью с использованием системы сбалансированных показателей деятельности текстильных предприятий.

Performance management using balanced performance system at textile enterprises

Феруза АЗИМОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада тўқимачилик корхоналарида балансланштирилган кўрсаткичлар тизимини қўллаш орқали фаолият самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

В статье рассматриваются вопросы совершенствования управления эффективностью деятельности текстильных предприятий с использованием сбалансированной системы показателей.

The article examines the issues of improving performance management through the use of a balanced system of indicators at textile enterprises.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бугунги кунда хориж мамлакатлари амалиётида қўлланилаётган бошқарув концепцияларининг энг асосийси сифатида "балансланшган кўрсаткичлар тизими – БКТ" (инглизча – "Balanced Scorecard, BSC", русча – "Сбалансированная система показателей, ССП") намоён бўлмоқда. Мазкур концепцияни бозор инфратузилмасининг барча иштирокчилари, кичик корхоналардан тортиб, йирик трансмиллий тўқимачилик корхоналари ҳам ўз амалиётига жорий қилишмоқда [1].

Ушбу бошқарув тизимини Гарвард университети ҳузуридаги Бизнес мактаб профессори Роберт Каплан ва бошқарув масалалари бўйича америкалик консультант Дэвид Нортонлар 90-йиллар бошида ишлаб чиқишган [2].

Балансланштирилган кўрсаткичлар тизими – бу корхоналар фаолиятининг барча, яъни ҳам молиявий, ҳам номолиявий жиҳатларини ўзида акс эттирган оптимал танлаб олинган кўрсаткичлар бўйича корхона самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашга асосланган бошқарув тизимидир [3].

Балансланшган кўрсаткичлар тизими ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Гарвард бизнес-мактабининг тадқиқотчилари гуруҳи томонидан америкалик иқтисодчи олимлар Р.Каплан ва Д.Нортон ташаббуси билан ишлаб чиқилган. Balanced Scorecard молиявий ва молиявий бўлмаган кўрсаткичларни бирлаштирувчи ягона тизим сифатида эътироф этилди. БКТ қиймат кўрсаткичларига асосланади, лекин БКТни қўллашнинг асосий вазифаси жараёнларни бошқаришдир. Ушбу ёндашувнинг туб мақсади шу билан изоҳланадики, "мувозанат" ғояси – бу таққослаш ёки тенглик эмас, балки энг

Калит сўзлар: самарадорлик, бошқариш самарадорлиги, фаолият, технология, менежмент, балансланшган кўрсаткичлар тизими.

муҳим кўрсаткичлар мажмуасининг танловидир. Ушбу тизимнинг "баланслашган" деб аталишига сабаб, унинг таркибида корхона фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланган истеъмолчилар билан ишлаш, хўжалик, инновацион ва молиявий масалалар умумлашганлигидир.


Баланслашган кўрсаткичлар тизимини қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин (1-чизма).

Ушбу чизмада келтирилган баланслашган кўрсаткичлар тизими ва унинг таркибий қисмлари аҳамиятига тўхталамиз.

Молиявий муносабатлар. Корхона менежментининг манфаатларидан келиб чиқиб, ресурсларнинг самарадор жойлаштирилиши, харажатларни оптимал даражада сарфланиши бўйича стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш зарур.

Ушбу ҳолатда корхона олдида ўз акциядорлари ва инвесторлари манфаатлари учун қандай имижга ва салоҳиятга эга бўлиши зарур?, деган савол қўйилади [4].

Ички бизнес-жараёнлар. Бунда корхонани интенсив ривожлантириш манбаларини таҳлил қилиш борасида мақсадлар қўйилади. Одатда, корхона ичидаги жараёнларнинг тўғри ташкил этилиши интенсив ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади.



1-чизма. Баланслашган кўрсаткичлар тизими ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик [2].

Ўқитиш ва малакавий тайёргарлик. Менежмент назарияси ва амалиётининг тасдиқлашича, корхона фаолиятини ривожлантиришда инсон ресурслари юқори ўринда туради. Умуман олганда, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида юқори малакали кадрларнинг роли янада ошади, чунки, улар техника тараққиёти жараёнини ривожлантиришда асосий куч бўлиб қолмоқда.

Бозор омили ёки мижозлар билан муносабатлар. Бу борада стратегик мақсадларнинг қўйилиши бевосита миллий ва жаҳон бозорларидаги рақобат билан боғлиқ. Амалиётнинг кўрсатишича, рақобат шароитида мазкур блокни эътиборга олмаслик хўжалик субъектини банкротлик хавфига яқинлаштиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқаришнинг муҳим таркибий қисмларидан бири асосланган ривожланиш стратегиясини белгилаб олиш ҳисобланади.

Стратегик бошқаришда стратегияни аниқ бел-

гилаш корхонани узоқ муддатга ривожланиш сифатини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Баланслашган кўрсаткичлар тизимини қуриш асосида эса корхона стратегияси сифатини таъминловчи қуйидаги жиҳатларни аниқлаштириш имкони мавжуд:

– стратегияни пухта ишлаб чиқишда қандай ички ва ташқи омилларни ҳисобга олиш зарур?

– корхонанинг рақобатчиларга нисбатан кучли ва заиф жиҳатлари нималардан иборат?

– муайян стратегияни амалга ошириш учун корхонанинг молиявий имкониятлари ва ходимларнинг малакавий салоҳияти қай даражада?

– стратегияни ишлаб чиқишда корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг айнан қайси жиҳатларига чуқурроқ эътибор бериш зарур ва ҳ.к.

Тўқимачилик корхоналари амалиётида баланслашган кўрсаткичлар тизимини жорий этиш учун юқорида қайд этилган босқичлар қуйидаги тадбирлар орқали амалга оширилиши лозим: мазкур тизимни комплекс равишда қўлланилишини ва унинг натижаларини таҳлил қилинишини назоратга олиш ва умумлаштириш вазифасини тегишли бўлинма зиммасига юклаш; корхонанинг БКТ жорий этиладиган бўлинмаларини аниқ ажратиб олиш; БКТни жорий этиш учун масъул бўлинмалар томонидан маълумотларни тақдим этиш усулларини белгилаш; БКТни амалга ошириш жараёнларини қатъий назорат қилиш, хусусан, уни амалга ошириш натижасида корхона фаолиятида аниқланган сусткашликлар ва хатоликларни тўлиқ бартараф этилишини қатъий таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маренин В. Баланслашган кўрсаткичлар тизими – кимга ва нима учун керак // Корхонани бошқариш. - Т.: 2009 й. - №5 (23). Б.24.

2. Каплан Роберт С., Нортон Дейвид П. Организация, ориентированная на стратегию. Как в новой бизнес-среде преуспевают организации, применяющие сбалансированную систему показателей / Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2004 г. – 416 с.

3. Kaplan, Robert S., and David Norton. Using the Balanced Scorecard as a Strategic Management System. Harvard Business Review 70, no. 1 (January–February 1996): pp.75–85.

4. Нили Э., Адамс К., Кеннерл М. Призма эффективности: карта сбалансированных показателей для измерения успеха в бизнесе и управлении им. Днепропетровск: Баланс-Клуб, 2003 г. – 544 с.

УЎТ: 334.75(575.10)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари
Направления государственной поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства
Areas of state support for small business and private entrepreneurship

Анвар ХУШВАҚОВ,
ҚарМИИ магистранти.

Аннотация

Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳамда кредит муносабатларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисидаги фикрлар баён этилган.

В статье рассматриваются направления государственной поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства, а также роль кредитных отношений в развитии предпринимательства.

The article examines the directions of state support for small business and private entrepreneurship, as well as the role of credit relations in the development of entrepreneurship.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий фаолликни таъминлашда тадбиркорлик фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга устуворлик берилиши амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда КБХТни фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг зарур меъёрий-қонунчилик, ташкилий-иқтисодий асослари ҳамда уларни самарали амалга ошириш механизми босқичма-босқич яратилиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлашни бозор тамойилларига мос тизими вужудга келтирилди.

Мазкур соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, унинг ялпи ички маҳсулот, ишлаб чиқариш ва бандликни таъминлашдаги улушини ошириш, технологик таркибий тузилишини такомиллаштириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу каби муҳим ислоҳотлар натижасида 2019 йил якунига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ялпи ички маҳсулотда 58,1 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажмида 45,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида 99,4 фоиз, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида 42,8 фоизга етди.

Иш билан банд жами аҳолининг 78,9 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. Жаҳонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, мазкур жараёнларнинг самарадорлигини ошириш, давлатнинг тартибга солиш объекти сифатидаги кичик бизнеснинг ишловчилар сони жиҳатидан мезонларини аниқлаштириш, кичик бизнес учун қулай муҳитни яратиш, тартибга солишнинг пул-кредит механизмларидан самарали фойдаланиш, унинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасидаги имкониятларидан

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ишбилармонлик, кредит, янги иш ўринлари, бандлик.

тўлароқ фойдаланиш, инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш лозим.

Аввалambор, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида муҳим омиллардан ҳисобланган иқтисодий фаолликни таъминлаш учун яратилган макроиқтисодий муҳит билан бир қаторда уни амалга оширишдаги асосий хўжалик юритиш субъектларидан бири – КБХТни шаклланиш ва ривожланиш тенденциясини аниқлаш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки, ушбу бозор иқтисодиёти субъектлари қанчалик ривожланса, уларнинг сони кўпайиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматлари миқдори ҳамда сифати ошиб борса, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати юксалиб, халқ фаровонлиги ошади.

Иқтисодий фаолликни таъминлашда, аввалambор, КБХТ субъектлари ўзларининг ихтисослашуви нуқтаи назаридан босқичма-босқич шакллантирилган ҳуқуқий асосларига таянган ҳолда ташкилий-иқтисодий жиҳатдан бозор тамойилларига мос ички ва ташқи фаолиятини шакллантириб, амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга асосий эътибор қаратганликларини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотлар натижасида, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар "Фарҳод" савдо мажмуасини қайта таъмирлаш ишлари учун жами бўлиб 5 273, 4 минг сўм сарфланиши кўзда тутилган. Шундан, "А.Темур" хусусий корхонаси ўз маблағи ҳисобидан 3 273, 4 минг сўм ҳамда банк кредити ҳисобидан 2 000 ,0 минг сўмни амалга оширди. "А.Темур" хусусий корхонаси кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш ва ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида банкнинг кредит маблағи ҳисобидан АТБ "Туронбанк" Қарши филиалидан кредит линияси очиш орқали 5 йил муддатга 6 ой имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз устамаси билан 2 000, 0 минг сўм узоқ муддатли кредит олишни режалаштирмоқда.

Банкдан олиниши режалаштирилаётган кредит маблағи Қарши шаҳар Ўзбекистон кўчасида жойлашган "А.Темур" хусусий корхонасига тегишли "Фарҳод" савдо мажмуасини қайта таъмирлаш ишлари учун ишлатилди. Ушбу кредит маблағига қурилиш материаллари сотиб олинди ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. "А.Темур" хусусий корхонаси ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида вилоятимиз аҳолисига янги савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриб фойдаланишга топширади. Бунинг натижасида катта иш кўламини янада кенгайтириб катта миқдорда айланма оборотни шакллантирди.

Таҳлиллар натижасида, "А.Темур" хусусий корхонаси ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали жамиятимиздаги ишсизлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашади ва янги 6 та ишчи ўрин яратди. Ишсизликни ҳал қилиш масаласи ҳозирги кундаги энг муҳим мезонлардан бири ҳисобланади.

"А.Темур" хусусий корхонаси фаолиятини кенгайтириб ривожлантириши унинг молиявий ҳолатининг яхшиланишига олиб келади ва катта фойда олишга ҳамда рентабеллик даражасининг ошишига эришди (1-жадвал).

Молиявий натижалардан кўриниб турибдики, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 42,8 млн. сўмга ошган. Шунингдек, корхонанинг капитали ҳам ўтган йилга нисбатан 49,2 млн. сўмга, дебитор қарзлари 5,7 млн. сўмга ошган. Кредитор қарзлари эса 3,2 млн. сўмга камайган. Бу эса корхона рентабеллиги ошганлигидан далолат беради.

"А.Темур" хусусий корхонасига қарашли "Фарҳод" савдо мажмуасида 131 та савдо дўкони (жами майдони

1-жадвал.

"А.Темур" хусусий корхонасининг молиявий ҳолати, млн. сўм

Кўрсаткичлар	01.01.2019	01.01.2020
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар сотишдан тушган тушум	538,9	581,8
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	0,0	0,0
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарар)	538,9	581,8
Соф фойда (зарар)	278,4	119,2
Баланс тузилмаси		
Баланс валютаси	*Сум*	*Сум*
Узоқ муддатли активлар	928,3	864,8
Жорий активлар	23,2	132,5
Ўз маблағлари манбаларининг мавжудлиги	929,3	978,5
Мажбуриятлар	22,1	18,9
Жами дебиторлик қарзлари,	44,2	10,3
- жумладан муддати ўтганлари	-	-
Жами кредиторлик қарзлари, жумладан	22,1	18,8
- муддати ўтганлари	-	-

2500 кв. метр) ҳамда 1 та автомобиллар тўхтайдиган жой мавжуд. "А.Темур" хусусий корхонаси томонидан дўконларнинг ҳар кв. метри учун ўртача 22500 сўмдан ижара ҳақи олинади. Ҳар ойда дўконларнинг ижара ҳақидан 5667,2 минг сўм ва автомобиллар тўхтайдиган жойдан 6,0 млн. сўм нақд пул тушади. Жами бўлиб бир ойдаги тушум 62250,0 минг сўмни ташкил қилади.

"А.Темур" хусусий корхонаси томонидан ҳисоб рақами 2019 йил давомида 653811,4 минг сўм ҳамда 2020 йилнинг 5 ойи давомида ҳисоб рақами орқали 369972,0 минг сўм банк айланмасини амалга оширган (2-жадвал).

"А.Темур" хусусий корхонаси кредит олгандан сўнг 2017-2022 йиллар мобайнида жами 6503732,5 минг сўм иш ҳажми бажаради. Солиқ тўловлари, кредит ва кредит фоизлари, иш ҳақи харажатлари, маъмурий харажатлар, банк хизматлари ва бошқа харажатларни сарфлаган ҳолда жами 5 йил мобайнида 802623,5 минг сўм фойда олишга эришади.

Бундан ташқари, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо хизмати кўрсатиш савдо мажмуаси қайта қурилиб иш фаолияти бошлангандан сўнг ушбу савдо мажмуасини қайта қуриш учун ҳар хил турдаги қурилиш материалларини етказиб берувчи улгуржи савдо ва таъминот корхоналарининг бир маромда ишлаши учун маҳсулот хом ашёсини етказиб берилиши ва ишлаб чиқариш ҳажми динамикасига боғлиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда белгиланган йўналишлардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш фақат тадбиркорларнинг даромадлари ошишига эмас, балки мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшиланишига хизмат қилади.

2-жадвал.

"А.Темур" хусусий корхонаси кредит олгандан сўнг 5 йил мобайнида амалга оширадиган молиявий-хўжалик фаолияти маълумоти, минг сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Биринчи йил	Иккинчи йил	Учинчи йил	Тўртинчи йил	Бешинчи йил	Жами
1	Ялпи тушум	1 065 295,0	1 171 824,5	1 289 007,0	1 417 907,6	1 559 698,4	6 503 732,5
2	Таннархи	290 625,0	205 365,0	345 652,0	496 325,0	645 285,0	1 983 252,0
3	Ялпи даромад	774 670,0	966 459,5	943 355,0	921 582,6	914 413,4	4 520 480,5
4	Солиқ тўловлари	53 264,8	58 591,2	64 450,3	70 895,4	77 984,9	325 186,6
5	Кредит асосий қарзи	222 000,0	444 000,0	444 000,0	444 000,0	446 000,0	2 000 000,0
6	Кредит фоизи	275 091,2	220 550,6	158 390,6	96 230,6	33 811,4	784 074,4
7	Иш хақи харажатлари	76 250,0	83 875,0	92 262,5	101 488,8	111 637,6	465 513,9
8	Маъмурий харажатлар	12 783,5	14 061,9	15 468,1	17 014,9	18 716,4	78 044,8
9	Банк хизматлари	10 653,0	11 718,2	12 890,1	14 179,1	15 597,0	65 037,3
10	Фойда	124 627,6	133 662,5	155 893,3	177 773,9	210 666,1	802 623,5

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ПФ-5635-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

4. Джапаров К.Ю., Турсынбаева Ю.Е. Предпринимательство в АРК. - URL: http: //www.be5.biz/economics1/r2012/1524.htm.

5. Қарши шаҳар "А.Темур" хусусий корхонасига тегишли "Фарҳод" савдо мажмуасининг 2018-2020 йиллардаги маълумотлари.

УЎТ: 332

Агробизнес корхоналари фаолиятини ривожлантириш масалалари
Вопросы развития предприятий агробизнеса
Issues of development of agrobusiness enterprises

Омадой АБДУРАШИДОВА,
Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида агробизнес корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, агробизнес фаолиятининг мақсади ва ривожлантириш масалалари баён этилган.

В статье описывается организация деятельности предприятий агробизнеса и ее особенности на современном этапе развития экономики. В статье также освещаются цели и вопросы развития агробизнеса.

The article describes the organization of agribusinesses and its specific features at the current stage of economic development. The article also highlights the purpose and development issues of agribusiness.

Глобаллашувҳамдаиқтисодийинтеграциялашувнинг тобора тезлашиб бораётганлиги шароитида мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт тармоқлари орасида ўзининг ўрнига эгадир, чунки, мазкур соҳа саноат тармоғи учун хомашё етиштириб, аҳолига эса сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини тақдим этади.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, соҳада замонавий илм-фаннинг сўнгги ютуқларини, инновацияларни жорий этиш, агробизнес субъектлари фаолиятини тараққий эттириш объектив аҳамият касб этган вазифалардан бирига айланиб улгурди.

Мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардош бўлиши, иқтисодий инқирозларни бартараф этиш кўп жиҳатдан агросаноат ривожланишининг самарадорлигига боғлиқ, чунки, бу истеъмол бозорининг товарларга тўйинганлиги, рақобатнинг кенгайиши, иш билан бандликнинг ўсиши, қишлоқларнинг ижтимоий ривожланишига ҳар томонлама ёрдам беради.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида агробизнес корхоналари фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Илмий адабиётларда агробизнес қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти соҳаси эканлиги қайд этилган. Агробизнес тушунчасига бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасига кирмайдиган, бироқ у билан бевосита боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий таъмирлаш хизмат кўрсатиш, уни маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Агробизнес агросаноат интеграцияси натижасида вужудга келган агросаноат мажмуасининг барча бўғинларини қамраб олади.

Иқтисодий назарияда биринчи марта “агробиз-

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, аграр фаолият, агробизнес, корхона, кластер, фермер хўжалиги, агрокластер.

нес" тушунчаси 1955 йилда Ж. Девис томонидан киритилган. Унинг фикрига кўра, агробизнес – бу фермер хўжаликлари етказиб бериш учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш бўйича операциялар мажмуи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан шуғулланадиган тармоқлар мажмуи. Унинг бошқача таърифи ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидагича: "Агробизнес – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ресурслар билан таъминлаш, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган барча корхоналар". XX асрнинг иккинчи ярмида ушбу концепциянинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, чунки, айнан шу даврда ривожланган мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ иқтисодиётида, интеграция жараёнлари фаол ривожланиб, бизнеснинг барча соҳаларига таъсир кўрсатди.

Агробизнес ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий алоқаларни такрор ишлаб чиқаришнинг ажралмас тизими сифатида, унинг субъектлари – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилиш бўйича тўғридан-тўғри бошқа ишлаб чиқарувчилар, харидорлар ва оралиқ тузилмалар ўртасидаги ўзаро алоқалар натижасида шаклланган, ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида фермерларнинг қўллаб-қувватлаш, етказиб бериш ва маркетинг кооперативлари, шунингдек, сотиб олиш ва қайта ишлаш фирмаларининг кириб бориши орқали интеграция қилинади.

Агробизнес – бу иқтисодий ўсишда муҳим аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги саноатининг ўсишини қўллаб-қувватловчи сектор. Шунингдек, у ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Агробизнес озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштиришга, ривожланаётган мамлакатлардаги камбағалларнинг аксарияти даромадларини оширишига ёрдам беради. Агробизнесни ривожлантириш тенденциялари агросаноат корхоналарининг самарали усулларини излашни талаб қилади.

Агробизнес фаолиятининг мақсади – истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат. Агробизнеснинг асосий шакли ва бўғини фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Чунки, бу хўжаликлар бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Қуйидаги жадвалда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш динамикаси кўрсатилган.

2019 йилда ЯИМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 28,1 фоизни ташкил этди. Шу даврда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 224,3 трлн. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,5 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 217,2 трлн. сўмни (102,4 фоиз), ўрмон хўжалиги – 5,7 трлн. сўмни (101,8 фоиз), балиқ хўжалиги – 1,4 трлн. сўмни (127,0 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот

1-жадвал.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш кўрсаткичлари[1]

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони, минг гектар	3694,2	3706,7	3474,5	3396.0	3309.4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	99604,6	115599,2	148199,3	187425.6	216283.1
Шу жумладан: деҳқончилик	55429,2	61755,1	83303,4	98406.4	111904.
чорвачилик	44175,4	53844,1	64895,9	89019.2	104378.3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда	106,1	106,3	101,0	103.3	103.4
Шу жумладан:					
деҳқончилик	105,5	105,7	98,2	104.8	104.3
чорвачилик	106,9	107,0	104,1	101.6	102.3

[1] www.stat.uz маълумотлари

(хизмат)лар умумий ҳажмининг 96,9 фоизи деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 2,5 фоизи – ўрмон хўжалиги, 0,6 фоизи – балиқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил 1 январь ҳолатига фермер хўжаликлари сони 92,6 мингтани, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари – 5,0 млн.тани, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – 27,6 мингтани ташкил қилди. Фермер хўжаликларининг умумий сонидан, пахтачилик ва ғаллачилик йўналиши бўйича – 40,0 мингтани, боғдорчилик ва узумчилик – 31,0 мингтани, чорвачилик – 14,8 мингтани, сабзавотчилик ва полизчилик – 5,0 мингтани, бошқа йўналишлар бўйича – 1,8 мингтани ташкил этмоқда.

Агробизнес қуйидаги вазифаларни ҳал қила олиши билан аҳамиятлидир:

– қишлоқ жойларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш;

– юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

– мамлакатнинг озиқ-овқат ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш;

– фуқароларнинг фаровонлиги;

– маҳаллий агросаноат мажмуасининг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш.

Бундан ташқари, агробизнес кичик ва йирик корхоналарга юқори рентабелликка эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва рақобатбардош устунликларга эришишда ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришга имкон беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керак-ки, агробизнес, биринчи навбатда қишлоқ жойларида иқтисодий фаол аҳолини иш билан таъминлайди, тадбиркор-мулкдорлар қатламини шакллантиради, таркибий ўзгаришларга ва таркибий ишсизликнинг олдини олишга ёрдам беради.

Рақобат стратегиясини шакллантириш ва рақобатбардош устунликларга эришиш долзарб масалага айланиб бормоқда. Қийин молиявий аҳволни, асосий воситаларнинг эскиришини ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида инновацион фаолиятнинг паст даражасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг тубдан янги шаклларига асосланган ҳолда тадбиркорлик, маркетинг ва менежментдан фойдаланишга алоҳида ёндашув таклиф этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, агробизнеснинг кейинги ривожланиши иқтисодиётнинг интеграциялашуви ва глобаллашув жараёнлари, ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши, постиндустриал жамиятнинг янги иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиш эволютсияси билан боғлиқ бўлиб, улар иқтисодиётдаги миқдорий ва сифат ўзгаришларини олдиндан билади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

2. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007 й. – 340-б.

3. Махамбетова У.Р. Деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ўрни//Иқтисод ва молия. 2014 й., № 9.

4. Рахматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Т.: “Замин нашр”. 2018 й. 168-б.

5. Саматов Ғ.А. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. //Дарслик, -Т.: 2005 й. – 507-б.

6. www.stat.uz маълумотлари.

УЎТ: 978-9943-6555-2-2

Ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари ва қишлоқ хўжалиги соҳалари ҳолати
Концептуальные основы стратегии развития и положение отраслей сельского хозяйства
Conceptual foundations of the development strategy and location of agricultural sectors

Ҳумоюн ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети докторанти.

Аннотация

Мустақиллик йилларида иқтисодий ислоҳотлар мамлакатнинг умумий стратегик манфаатлари асосида ва макроиқтисодий барқарорлаштириш ҳамда институционал ўзгаришларни ҳал қилиш асосида аниқ ишлаб чиқилган минтақавий сиёсат, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишнинг ҳудудий омилларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш хусусида фикр юритилади.

В годы независимости экономические реформы рассматриваются как осуществляемые на основе общих стратегических интересов страны и с учетом территориальных факторов региональной политики, устойчивости и экономического роста, которые четко развиваются на основе макроэкономической стабилизации и разрешения институциональных изменений.

In the years of independence, economic reforms are thought to be implemented on the basis of the common strategic interests of the country and taking into account regional factors of regional policy, stabilization and economic growth, which are clearly developed on the basis of macroeconomic stabilization and resolution of institutional changes.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида энг муҳим муаммо аниқ ҳамда самарали минтақавий сиёсатни ишлаб чиқишдир. Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳудудий омиллар иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти ва йўналишини, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш суръати ҳамда нисбатларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг самарадорлигини қатъий белгилайди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ўзига хос бўлган ҳудудий бошқарув ва минтақавий сиёсат учун маълум қонунчилик ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий асос яратилди. Минтақавий тартибга солишнинг умумий мезонлари ва асослари Республика ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланади.

Минтақавий сиёсатнинг айрим жиҳатлари бир қатор Қонунларда, хусусан, "Ер ости бойликлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида", "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида", "Мулк тўғрисида", "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги ва бошқа қонунларда ўз аксини топган.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида ҳудудий тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси,

Калит сўзлар: иқтисодий ислоҳотлар, қишлоқ хўжалиги, минтақавий сиёсат, бозор иқтисодиёти, аграр инфратузилма, агросаноат комплекси, мулкчилик.

Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарорлари ва буйруқлари орқали амалга оширилди.

Шу билан бирга, давлат минтақавий сиёсатининг асосий вазифаси ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эди.

Буларга маълум бир ҳудудий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги мақсадли дастурлар киради: "Газ ва сув", "Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш", "Энергия ва ғалла мустақиллигини таъминлаш", "Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш" ва бошқалардир.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида иқтисодий ислоҳотлар мамлакатнинг умумий стратегик манфаатлари асосида ва макроиқтисодий барқарорлаштириш ҳамда институционал ўзгаришларни ҳал қилиш асосида аниқ ишлаб чиқилган минтақавий сиёсат, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишнинг ҳудудий омилларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий ташкил этиш ва тақсимлашнинг мавжуд даражаси мамлакатнинг ҳам, унинг минтақаларини ҳам эҳтиёжларини қондирмайди, ижтимоий соҳанинг ҳолатига салбий таъсир қилади, экологик таранглikни ва минтақалар табиий ва иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишда номутаносибликни келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси етакчи бўлган минтақалар инфляция, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларининг нархлари номутаносиблиги туфайли энг қийин аҳволга тушиб қолишди.

Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий ривожланиш даражаси пасайган.

Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларида ҳали ҳам экология ва тез ўсиб борувчи меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида долзарб масалалар мавжуд.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашишини тартибга солишнинг иқтисодий усуллари ва устувор ҳудудларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ички захиралар ва минтақаларнинг иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятлари жалб қилинмайди.

Республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар тизими ҳам минтақаларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирга қадар айрим соҳаларда вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар томонидан ҳудудларни бошқариш маъмурий шакли сақланиб қолинмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг асосий вазифаси ҳудудий бошқарув тизимини қайта қуриш, унинг ҳудудларни комплекс ва ижтимоий ривожланишига таъсирини кучайтиришдан иборат.

Агар бозор муносабатлари шаклланишининг дастлабки босқичида ҳукмронлик марказий республика бошқарув органларига тегишли бўлган бўлса, у ҳолда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш самарадорлигини ошириш учун қарорлар қабул қилиш ҳудудий даражага ўтиш билан белгиланади.

Ҳозирги кундаги асосий вазифа республика ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши ва жойлаштиришдаги салбий оқибатларни камайтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда шу асосда аҳоли турмуш даражасини кўтариш зарур.

Ҳудудий номутаносибликларни бартараф этишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини кўтариш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир минтақанинг ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини ошириш учун мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланиш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлиши лозим.

Шунга мувофиқ, республикада самарали минтақавий сиёсат олиб борилиши керак, бу мустақил минтақавий бошқарув учун иқтисодий шароитларни тенглаштириш ва бошқарувни марказсизлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда минтақавий иқтисодий сиёсат иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифалари ва устувор йўналишларида шаклланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг пировард мақсадларига эришиш учун ҳудудий ресурслардан, шароит ва омиллардан тўлиқ фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган бўлиши даркор.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида минтақавий сиёсатни шакллантиришнинг энг муҳим механизми республика ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг функциялари, мақоми ва вазифаларини аниқ белгилаб берувчи қабул қилинган тегишли қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади.

Тегишли қонунчилик ҳужжатларида ҳудудий ривожланишни тартибга солиш бўйича тўғридан-тўғри ҳаракат қонунлари билан бир қаторда атроф-муҳитни оқилона бошқариш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш (хусусийлаштириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш ва бошқалар), иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, саноатнинг ижтимоий соҳаси-

ни ривожлантириш билан боғлиқ айрим жиҳатлар ҳам кўриб чиқилиши керак.

Марказдаги ва маҳаллий даражадаги бошқарув органлари минтақавий сиёсатнинг тактик ва стратегик вазифаларини ҳал этилишини таъминлаш учун тегишли дастакларга эга бўлиши лозим.

Буларга, аввало, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, тақсимлаш, республика ва маҳаллий бюджетларни, бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш бўйича тармоқ ва ҳудудий прогнозлар ҳамда мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш киради; солиқ ва кредит сиёсати; ҳудудий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов, атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлардир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларнинг таркибий бўғинлари мустақиллигини ривожлантириш, шунингдек, товар ишлаб чиқарувчисини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш асосида мувозанатли ва арзон маҳсулот бозорини шакллантириш (истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда)дан иборатдир.

Ушбу мақсад ислоҳотнинг моҳиятини тавсифлаш учун мўлжалланган энг муҳим вазифаларни аниқлашга имкон беради.

Бизнингча, уларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин:

– самарали тижорат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мувозанатли ишлаши учун шароит яратиш;

– мулкчилик ва бошқарувнинг хилма-хил турларини шакллантириш;

– ўзини-ўзи бошқариш усулларини ишлаб чиқиш;

– ҳар хил турдаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва олинган даромадларга тўлиқ эгалик ҳуқуқларини шакллантириш;

– озиқ-овқат маҳсулотларига мослашувчан талабни таъминлашга имкон берадиган ривожланган озиқ-овқат инфратузилмаси ва бозорларни яратиш;

– ишлаб чиқариш воситалари ва хизматлар учун қулай бозорни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини ресурслар билан таъминлашни яхшилаш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

– тармоқлараро ва минтақалараро, маҳсулот алмашинувининг эквивалентлигига эришиш;

– агросаноат комплексининг турли соҳаларига инвестициялар ҳажмини кўпайтириш учун шароит яратиш;

– аграр инфратузилма мажмуасининг моддий базасини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаш, шунингдек, ноқулай бозор шароитларидан ҳимоя қилиш асосида ривожланишни жадаллаштириш мақсадида турли хил хўжалик юритувчи субъектлар меҳнатини, инвестицияларини бирлаштириш ва ҳамкорлик тамойилларини амалга ошириш;

– ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмолчилар талабига жавобини кучайтириш;

– қишлоқ хўжалигининг мақсадга мувофиқ давлат протектсионизмини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига ҳуқуқий ва иқтисодий аралашув;

– ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, самарали ва сифатли ишларни рағбатлантириш имкониятларини кенгайтириш;

– товар-пул муносабатларининг самарали ишлаши учун шароит яратиш, корхоналарнинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг илмий асосларини мустаҳкамлаш.

Демак, келгусида республика қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг қайта ишлаш саноати тармоғини ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикани ривожлантиришнинг умумий концепцияси асосида агросаноат мажмуасини ривожлантириш вазифалари белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития // Экономика региона, выпуск 2-й, 2009 г., с. 45-62.

2. Ганиев Б., Ахмедов Т. Актуальность региональной политики в Республике Узбекистан. Экономическое обозрение. № 1, 2005. С. 30.

3. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. Теория сельскохозяйственного стандарта. М.: Высшая школа экономики. 2000. С.31.

4. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Т.: «MUMTOZ SO'Z», 2010.

5. Эгамбердиев Ф.Т. Минтақалар рақобатдошлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. – Тошкент: 2018.

УДК:.338.46

Основные направления привлечения инвестиций и повышения прозрачности финансового рынка
Инвестицияларни жалб қилиш ва молия бозорининг шаффофлигини оширишнинг асосий йўналишлари
The main directions of attracting investments and increasing the transparency of the financial market

Хадича КАДИРОВА,
к.э.н., доцент.
Наманганский инженерно-технологический институт.

Аннотация

В статье отмечено, что одной из ключевых задач в сфере развития финансового рынка Наманганской области является повышение уровня информационной прозрачности рыночного пространства, которое может быть достигнуто путем создания равных условий в получении всей необходимой для принятия инвестиционных решений информации заинтересованными в ней лицами. Рассмотрены основные направления привлечения на региональный финансовый рынок притока инвестиций, которые обеспечиваются путем постоянного повышения прозрачности проводимых операций с финансовыми инструментами, объективной информированности инвесторов о финансово-хозяйственных показателях эмитентов, а также создания равных условий для всех участников рынка.

Мақолада Наманган вилояти молия бозорини ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири бу бозорнинг ахборот шаффофлиги даражасини ошириш, бунга сармоя киритиш учун зарур бўлган барча маълумотларни олишда тенг шароитлар яратиш орқали эришиш мумкинлиги таъкидланган. Ундаги манфаатдор томонларнинг қарорлари, минтақавий молия бозорига инвестиция оқимларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилмоқда, улар молия воситалари билан операцияларнинг шаффофлигини доимий равишда ошириш, инвесторлар элементларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида объектив хабардорлиги, шунингдек, ҳамма учун тенг шароитларни яратиш орқали таъминланади.

The article notes that one of the key tasks in the development of the financial market of the Namangan region is to increase the level of information transparency of the market space, which can be achieved by creating equal conditions in obtaining all the information necessary for making investment decisions by stakeholders in it. The main directions of attracting investment inflows to the regional financial market are considered, which are ensured by constantly increasing the transparency of operations with financial instruments, objective awareness of investors about the financial and economic indicators of issuers, as well as creating equal conditions for all market participants.

В Узбекистане немало достигнуто в области повышения уровня практической защиты законных прав вкладчиков и инвесторов. Подтверждением этому служат более 20 законодательных и нормативно-технических актов, направленных на решение данной задачи. Одной из ключевых задач в сфере развития финансового рынка Наманганской области является повышение уровня информационной прозрачности рыночного пространства, которое может быть достигнуто путем создания

Ключевые слова: финансовый рынок, инвестиции, инвестиционная деятельность, инвестиционные институты, ценные бумаги, акции, облигации, корпоративные облигации, государственные облигации, фондовая биржа, депозитарий, брокер, дилер.

равных условий в получении всей необходимой для принятия инвестиционных решений информации заинтересованными в ней лицами.

Методологической базой исследования являются диалектическая теория развития, фундаментальные положения экономической теории, включающие анализ и теоретическое обобщение сущности, функций, роли и процессов функционирования финансовых рынков. Среди зарубежных исследований по данной теме можно отметить исследования и публикации Р. Гильфердинга, R. Frydman, C. Gray, M. Hessel, A. Rapaczynski, Р. Вишны, С. Дианкова, Ш. Каломириса, Ш. Киндельбергера, А. Левита, Р. Ла Порта, Лоренс Джо Гитмана, Merton R., Б. Тэйлора, П. Фишера, А. Шляйфера, Батлер У.Э., В.А. Галанова, В.В. Глухова, А.Н. Добрынина, Ф.И. Ерешко, Г.П. Журавлевой, А.В. Захарова, Е.Л. Киселевой, В.В. Ковалева, А.В. Константинова, Б.Б. Рубцова. Вопросам формирования и развития национального финансового рынка было посвящено множество научных исследований и публикаций отечественных ученых [2]. В частности, некоторые вопросы или отдельные сегменты финансового рынка были рассмотрены в трудах отечественных ученых Е. Абдуллаева, А. Вахобова, А. Улмасова [6], Ш. Гафурова [3], Н. Жумаева [5], В. Котова, О. Намозова, В. Чжен, М. Шарифходжаева и др. Бутиков И.Л., Шохъазамий Ш.Ш [3] дали понятия финансовому рынку и определили фундаментальные свойства ценных бумаг. Т. Маликов, О. Олимжонов дали понятия финансового менеджмента, рассмотрели риски, присущие портфелю ценных бумаг, и пути их снижения. Доверие к региональному финансовому рынку, приток инвестиций на него обеспечиваются путем постоянного повышения прозрачности проводимых операций с финансовыми инструментами, объективной информированности инвесторов о финансово-хозяйственных показателях эмитентов, а также создания равных условий для всех участников рынка. Перспективным направлением повышения уровня информационной открытости финансового рынка Наманганской области может стать создание единой информационной базы обо всех выпущенных продуктах, интересующих потенциальных инвесторов. Анализ работы органов государственного регулирования показал: по 15 низкорентабельным и убыточным торговым комплексам и рынкам в 2019 году были составлены региональные программы «дорожные карты». Это позволило 8 торговым комплексам и рынкам улучшить свое финансовое положение. По вопросам банкротства областными экономическими судами было рассмотрено всего 1113 дел: 375 предприятий, объявленных банкротами в 2018 году и не закончивших процедуру банкротства в 2019 году, 738 предприятий, объявленных банкротами на 1 января 2020 года. Из 375 предприятий 374 были выведены из государственного реестра, 1 предприятие продолжает процедуру банкротства. Из 738 предприятий 252 окончили процедуру банкротства и выведены из государственного реестра. За отчетный период было выведено из государственного реестра всего 626 предприятий. Из них 33 предприятия по решению суда продолжают свою деятельность в результате финансового оздоровления. В настоящее время на 487 предприятиях продолжается процедура банкротства. По исполнению правовой законодательной базы можно отметить: приказы, распоряжения, договоры и проекты других юридических документов управления прошли экспертизу на соответствие законодательству. В течение года 363 приказа прошли правовую экспертизу. При возникновении противоречий между юридическими и физическими лицами были приняты меры по их решению или передаче дел в судебные органы. В течение 2019 года управлением было составлено всего 118 договоров, из них 84 договора продажи, 34 – другие. Из представленных в 2019 году 28 претензий 5 удовлетворено, 6 отклонено, 8 сравнительно удовлетворены, 5 закончены, 2 не утверждены, 2 рассматриваются. В качестве ответчика было представлено 20 претензий: из них 2 полностью удовлетворены, 14 отклонено, 3 не рассмотрены, по 1 процесс окончен. В ходе анализа дебиторской и кредиторской задолженностей, принадлежащих управлению, были предприняты меры по их сокращению, в результате чего к концу года было взыскано 318,5 млн сум. дебиторской задолженности. Раскрытие эмитентами информации в Республике Узбекистан регламентируется Законом Республики Узбекистан от 24 апреля 1996 г. «О механизме функционирования рынка ценных бумаг», а также другими законодательными и нормативными актами, в которых определяются сведения, обязательные для публикации в проспекте эмиссии, средствах массовой информации, и информация рекламного характера.

В связи с этим необходима разработка национальных стандартов по обеспечению информационной прозрачности деятельности эмитентов, основу которых должны составлять принципы полноты раскрытия информации, быстроты ее распространения, ясности, сравнимости и фактической точности данных, предоставляемых инвесторам. Важнейшей составной частью процесса реформирования системы раскрытия информации узбекскими эмитентами должна стать начатая в республике реформа бухгалтерского учета, в рамках которой, на наш взгляд, следует разработать и утвердить специализированные формы бухгалтерской отчетности для профессиональных участников рынка ценных бумаг.

Принятие их в сочетании с внедрением в практику опыта международно-признанных аудиторских фирм, несомненно, будет способствовать повышению не только качества аудиторских проверок, но и уровня информационной прозрачности фондового пространства.

Кроме того, необходимо более профессиональное освещение различных аспектов инвестиционного потенциала региона, сильных сторон конкурентоспособных предприятий – эмитентов ценных бумаг с помощью активной и грамотно поставленной информационно-разъяснительной работы среди различных категорий мелких, средних и крупных инвесторов. Добиться такого высокого имиджа можно за счет не только создания режима наибольшего финансового благоприятствования, но также сформированного привлекательного имиджа области.

Для повышения информационной прозрачности необходимо:

- усиление контроля над исполнением действующего законодательства Республики Узбекистан;

- создание эффективных компенсационных схем защиты прав инвесторов и дальнейшее развитие системы страхования их рисков;

- всестороннее развитие инфраструктуры различных сегментов финансового рынка области;

- оптимизация системы налогообложения доходов стратегических инвесторов.

Для совершенствования действующего в стране механизма защиты прав инвестора, на наш взгляд, необходимо:

- усилить требования к лицензированию профессиональных участников рынка ценных бумаг и институциональных инвесторов, а также к стандартам регистрации проспектов эмиссии и отчетности эмитентов;

- повысить экономическую эффективность контроля над деятельностью эмитентов со стороны саморегулируемых организаций профессиональных участников рынка ценных бумаг, а также органов государственного надзора и контроля.

Список литературы:

1. Новые законы Узбекистана. Ташкент: «Адолат», 1996.

2. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг. Ташкент: «Консаудитинформ», 2001. С. 344.

3. Гафуров Ш.Р. Ценные бумаги. Ташкент: «Мир экономики и права», 2000. С. 92.

4. Шохъазамий Ш.Ш. Учебник «Финансовый рынок и ценные бумаги». Т.: «Иктисод- Молия», 2005. С. 1.

5. Жумаев Н.Х., Бурханов У. Молиянинг долзарб муаммолари. Монографиялар ва мақолалар. Т.: "Янги аср авлоди", 2003. 385-б.

6. Улмасов А., Вахобов А. Иктисодий назарияси. Т.: "Шарқ", 2006. 445-б.

7. Сирожиддинов И., Кадирова Х., Рахмонов Д. Молиявий менежмент. Т.: "Иқтисод- Молия", 2020. 375-б.

УДК: 338.48 (575.1)

Методические основы идентификации туристских кластеров на примере Самаркандской области
Туристик кластерларни аниқлашнинг методик асослари: Самарқанд вилояти мисолида
Methodical bases of identification of tourist clusters: the example of the Samarkand region

Дилбар АСЛАНОВА,
проректор по научной работе и инновациям
СамИЭС, к.э.н., доц.
Алишер НАСИМОВ,
стажёр-исследователь МУТ «Шёлковый путь».

Аннотация

В статье на основе разработанной методики по идентификации туристских кластеров, базирующейся на коэффициентах локализации, проведён анализ возможности формирования регионального туристского кластера в Самаркандской области.

Мақолада локализация коэффициентларидан иборат туристик кластерларни аниқлаш усули асосида, Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластерларни шакллантириш имкониятлари таҳлил этилган.

Based on the developed methodology for the identification of tourist clusters, based on localization coefficients, the article analyzes the possibility of forming a regional tourist cluster in the Samarkand region.

Введение

На сегодняшний день кластеры, характеризующиеся полиотраслевой спецификой, являются ключевыми механизмами повышения конкурентоспособности территорий.

В экономической и экономико-географической литературе термин «кластер» стал интенсивно использоваться лишь в последние два десятилетия, после публикации статьи американского экономиста М. Портера «Конкурентные преимущества стран» (1990 г.). По мнению М. Портера, кластер представляет собой «группу географически соседствующих взаимосвязанных компаний и связанных с ними организаций, действующих в определенной сфере, характеризующихся общностью деятельности и взаимно дополняющих друг друга» [1]. В своих исследованиях М. Портер обратил внимание на то, что наиболее конкурентоспособные в международных масштабах фирмы одной отрасли обычно не бессистемно разбросаны по разным развитым государствам, а имеют свойство концентрироваться в одной и той же стране, а порой даже в одном и том же регионе страны. Это не случайно. Одна или несколько фирм, достигая конкурентоспособности на мировом рынке, распространяет свое влияние на ближайшее окружение: поставщиков, потребителей и конкурентов. В свою очередь, успехи окружения оказывают положительное влияние на дальнейший рост конкурентоспособности данной компании. В итоге формируется «кластер» – сообщество фирм

Ключевые слова: кластер, идентификация, метод, локализация, факторный анализ, количественные методы, качественные методы, индекс, коэффициент, регион.

тесно связанных отраслей, взаимно способствующих росту конкурентоспособности друг друга. Портер в своих исследованиях отмечал, что «...конкурентоспособные отрасли стран не распространены равномерно по экономике, а соединены в то, что я называю кластерами, состоящими из отраслей хозяйства страны, соединенных друг с другом различными связями» [2]. По данным специалистов Гарвардской школы бизнеса, на долю кластеров в США приходится более 32% занятых, в Швеции – около 39%, а производительность труда в кластерах развитых стран выше на 44%, чем в среднем по стране [3].

Вместе с тем проблема идентификации перспективных кластерных консолидаций для их поддержки средствами кластерной политики остается открытой для дискуссий ученых-экономистов.

В зарубежной практике проведения научно-прикладных исследований применяются разнообразные как качественные, так и количественные методы идентификации и оценки кластеров, включая экспертные оценки, анкетирование, интервьюирование, инструментарий теории сетей и графов, SWOT и PEST-анализ, расчет показателей географической концентрации и локализации, анализ агломерационных эффектов, матриц «затраты – выпуск».

Ввиду того что формирование кластерных механизмов экономического развития связано с действием целого ряда факторов, которые зачастую достаточно трудно формализовать, приоритетное значение в большинстве стран имеют именно качественные методы оценки кластеров, которые иногда подкрепляются количественным анализом. Однако современная статистическая база позволяет сформировать и применить на практике систему количественных методов анализа кластеров, обеспечивающую выявление важных эмпирических закономерностей становления и функционирования кластеров в экономике.

В связи с этим актуальность и востребованность формирования комплексного алгоритма оценки кластеров, имеющего в первую очередь количественную интерпретацию, определяется возрастающей ролью кластеров в развитии регионального экономического пространства.

Целью данной статьи является формирование методики идентификации туристских кластеров в регионах Узбекистана. Данная цель реализована на примере Самаркандской области Республики Узбекистан.

Литературный обзор

Методы идентификации кластера делятся на количественные и качественные [4].

Первая группа основывается на качественной оценке, включает в себя сбор информации от различных экспертов при проведении целевых исследований. Такой подход часто используется научно-исследовательскими организациями. Так, Европейская кластерная обсерватория реализовала 25 проектов, посвященных различным аспектам функционирования кластеров в Европе (история развития, деятельность, влияние на занятость, инновации, конкурентоспособность региона) [5]. Подобные проекты осуществлялись также Европейским фондом регионального развития [6] и Институтом конкурентоспособности [7].

В российской экономической практике методический подход, основанный на качественной оценке, использовался Л.С.Марковым и М.А. Ягольницером для измерения эффективности функционирования кластера информационных технологий в г. Новосибирске [8].

К качественным методам определения кластера относятся анализ отдельных случаев (разностороннее изучение конкретных кластеров), опрос экспертов и менеджеров, анкеты. Примером опроса менеджеров можно считать всестороннее исследование европейских кластеров командой Иннобарометра [9]. Для определения принадлежности фирмы к какому-либо кластеру в анкете присутствует пять вопросов:

– о наличии сильных связей с местными поставщиками;

– о взаимодействии с другими фирмами, университетами и государственными органами для обсуждения общих проблем или возможностей;

– о концентрации в регионе фирм той же отрасли;

– о знании менеджером понятия кластер;

– о существовании (по мнению менеджера) в регионе кластера в отрасли специализации его компании.

При четырех положительных ответах из пяти допускается принадлежность фирмы к кластеру. По результатам исследования 24% европейских компаний работают в кластерной среде. В связи с этим недостатка в элементах выборки для нашего исследования не предвидится.

Вторая группа исследований опирается на более сложные экономические модели на основе ста-

